Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47-йил чиқиши.
№ 68 (13.024).
23 МАРТ 1965 йил
СЕШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

УЛКАН ЖАСОРАТ

Тарихда биринчи марта инсон коинотга эшик очди, бевосита космик фазога чиқиб ишлади. Бу инсон ақли-заковати қандай улуғ ишлар қилишга, мўъжизалар яратишга қодир эканлигининг далили эмасми? Инсон табиат сирларини очмоқда, сайёралар сари, бизга ҳали маълум бўлмаган дунёлар сари дадил қадам қўймоқда.

Кўп ўринли «Восход-2» йўлдош кемасининг парвози космосни ўзлаштириш тарихида янги, бениҳоя муҳим саҳифа очди. Бу, совет олимлари, конструкторлари, инженерлари, техниклари, ишчиларининг ижодий меҳнати, таланти яратган, ҳозирги замоннинг ажойиб мўъжизасидир. Ахир биринчи бор озод Советлар диёрида одам йўлдош кемадан ташқарига чиқарилиб, космик фазода эркин парвоз қилдирилди. Одатдан ташқари дадиллиқни, иродани, заковатни талаб қилувчи бу мураккаб тажрибани «Восход-2» кемасининг командири космонавт-учувчи — П. И. Беляев иштирокида космонавт-учувчи ўртоқ А. А. Леонов амалга оширди. Жасур космонавт-учувчи А. А. Леонов кемадан ташқарига чиқиб, белгиланган тадқиқотлар комплексини муваффақиятли ўтказди, кема кабинасига эсон-омон қайтиб келди.

Совет фани космосни тадқиқ қилишда янги-янги ғалабаларни, янги-янги босқичларни қўлга киритмоқдаки, бу билан Советлар мамлакатининг ҳар бир граждани ҳақли равишда фахрланади. Бу муҳим ва асосий босқичлар: биринчи Ер йўлдошининг орбитага чиқарилиши, биринчи ракетанинг Ойга учирилиши, Ойнинг кўринмас томони суратга олиниши, биринчи одамнинг космосга чиқиши ва группа бўлиб учишнинг бошланишидан иборат. Ниҳоят Алексей Леонов кемадан ташқарига чиқишни тажриба қилиб кўрганлиги Космосни тадқиқ этиш соҳасида янги ва муҳим босқич бўлди. Ана шу тадқиқотлар оқибатида илмий текшириш соҳасида янги-янги ютуқларга, натижаларга эришилмоқда. Учирилган йўлдошлар ва ракеталар космос физикаси учун нўп янгиликларни очиб берди. Радиация минтақалари, Ернинг водород тожи кашф этилди. Қуёш шамоли — Қуёшдан учиб келадиган протонлар оқими аниқланди. Геофизика янги, муҳим маълумотлар билан бойитилди. Совет олимлари юқори атмосфера ҳаёти қонунларини, Қуёш ёғдулари ва магнит бўронлари сингари ҳодисаларни яхшироқ тушуниб олдилар. Натижада об-ҳавонинг қандай бўлишини олдиндан аниқроқ айтиб бериш имкониятига эга бўлдик. Умуман космик фазони эгаллаш соҳасида олиб борилган тадқиқотлар, кузатишлар совет фани, техникасини янги-янги даллиллар билан бойитмоқда, назарияда, амалиётда янги кашфиётлар очилмоқда.

Совет космонавтларининг жасоратли, қаҳрамонона, мўъжизакор ишлар қилишга қодир бўлган ажойиб оиласига янги-янги баҳодирлар қўшилмоқда. П. И. Беляев ва А. А. Леонов ўртоқлар Коммунистик партия тарбиялаб вояга етказган халқ қаҳрамонларидирлар. Улар космосга қилинган одатдан ташқари парвознинг ҳамма қийинчиликларига мардонавор бардош бердилар, улуғ партиямиз, жонажон ҳукуматимиз топшириқларини шараф билан адо этдилар, Ватанимиз шуҳратига-шуҳрат қўшдилар. Улар ўзларига юклатилган топшириқни садоқат билан бажариб, эсон-омон она тупроғимиз — Совет Ватанига қайтиб келдилар. Бу билан тарих саҳифасига, тараққиётимиз йилномасига янги, порлоқ қаҳрамонлик ишларини олтин ҳарфлар билан ёздилар.

«Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети, — дейилади қаҳрамон космонавтларга қутловда, — тағин ҳам мукаммалроқ кўп ўринли «Восход-2» йўлдош немасини, унинг янги системалари ва ускуналарини яратишда, совет космонавтлари экипажини космосда учишга ҳозирлашда ва учиришда, жаҳонда биринчи марта одамни кема ичидан космик фазога чиқаришда қатнашган барча ўртоқларини — олимларни, конструкторларни, инженерларни, техникларни, ишчиларни, медицина ходимларини ҳам чин юракдан қутлайдилар».

Космик фазони тадқиқ этиш соҳасидаги ютуқларимиз фан ва техниканинг тараққиёти учун кенг горизонтлар очиб берган совет ижтимоий ва давлат тузумининг беқиёс имкониятларидан, ҳаётийлигидан далолатдир. Советлар Ватанида ижодий фикрлаш, изланиш, тадқиқот ишлари учун беқиёс ўзарт-шароитлар яратиб берилганлиги, олимлар, инженер-техник ходимлар партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги билан қуршаб олинганлиги, уларга фикрлаш, лаборатория ишлари олиб бориш учун моддий-техника базалари яратиб берилганлиги — ютуқларимизнинг асосий калитидир.

Бизнинг Советлар Ватанимиздек мамлакат қаерда бор. Унинг гузаллигига, улуғворлигига, адолатлилигига тан бермасдан бўладими, ахир! Ватанимиз бепоён бўлганидан, халқимиз ҳам улуғвор, кенг фикрли, талантли ва ижоднидир. Бизнинг бепоён Ватанимиз жаҳонга Циолковский ва Ломоносов, Сеченов ва Павлов, Менделеев ва Улуғбек каби улкан сиймоларни етиштириб берган. Космос фани ва техникасининг тараққиёти жиҳатидан коммунизм Ватани — Советлар Иттифоқи жаҳонда биринчи ўринда мустаҳкам турибди.

Биринчи бўлиб коммунизмнинг нурли чўққилари сари олға бораётган мамлакат Совет Иттифоқидир. Космос сирларини очиш йўлида юлдузлар сари биринчи бўлиб йўл очган мамлакат ҳам Коммунизм Ватани — улуғ Совет Иттифоқидир. Бутун совет халқи билан биргаликда Узбекистон меҳнаткашлари ҳам ватандошларимиз П. И. Беляев ва А. А. Леоновларнинг қаҳрамонликларидан беҳад фахрланмоқдалар. Завод ва фабрикаларда, қурилишларда, бепоён колхоз ва совхозларимизда ижодий меҳнат қилиб, моддий бойликлар бунёд этаётган азаматлар йиғилишларда, редакциямизга юборраётган хат ва телеграммаларида зўр ифтихор, мамнунлик билан юрак сўзларини изҳор этмоқдалар, янада фидокорона меҳнат қилишга сўз бермоқдалар. «Жонажон Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун сизлар бугун космосни ўзлаштирмоқдасиз. Биз бўлса Фарғона водийсининг бепоён ерларини ўзлаштирмоқдамиз», — деб ёзади Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маннон Жалолов. Бу, серқуёш Узбекистон республикасидаги ҳар бир ишчи, колхозчи, зиёлининг юрак сўзи, қалб ҳароратидир.

Коммунизм ғоялари тантана қилаётган улуғ Совет Иттифоқи полвон қадамлар билан олга бормоқда. Бизда экономика ҳам, фан ва маданият ҳам, снёсат ҳам халқ бахт-саодатига, бутун дунёда тинчлик ва адолатнинг тантанасига хизмат қилади. Космик фазони эгаллаш соҳасидаги кейинги катта парвоз ҳам Совет Иттифоқининг, жонажон Коммунистик партиямиз, ҳукуматимизнинг ленинча тинчликсевар снёсатининг гувоҳидир. Зеронн инсон бахт-саодати, келажаги, тинчлиги — снёсатимизнинг асосий ва бош нуқтидир!

КОСМОНАВТЛАР Павел Иванович Беляев билан Алексей Архипович Леонов Байқўнғир космодромига учиб кетиш олдидан Пермь аэропортида табрик телеграммаларини қабул қилиб олмоқдалар.
В. Савостьянов фотолари. (ТАСС фотохроникаси).

21 мартда космонавтлар П. И. Беляев ва А. А. Леонов дам олганларидан кейин КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев билан телефон орқали суҳбатлашмоқдалар. Суратда: П. И. Беляев (чапда) ва А. А. Леонов.

КОСМОНАВТЛАР Л. И. БРЕЖНЕВ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИЛАР

Космонавтлар П. И. Беляев ва А. А. Леонов дам олганларидан сўнг 21 мартда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев улар билан телефон орқали суҳбатлашди.

Беляев ва Леонов ўртоқлар «Восход-2» кемасининг парвози вақтида топшириқни қандай бажарганликларини айтиб бердилар. Кайф-ҳолимиз жуда яхши, дейишди, космонавтлар.

Л. И. Брежнев топшириқни муваффақиятли бажарганликлари учун Беляев ва Леонов ўртоқларга КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати номидан яна бир марта ташаккур айтиб бундай деди: партия ва ҳукумат раҳбарлари, барча москвaликлар сизларнинг пойтахтга келишингизга мунтазир бўлиб турибдилар. Қаҳрамонларга муносиб иззат-ҳурмат кўрсатилади.

СОВЕТ ХАЛҚИГА ҚУТЛОВЛАР

Советлар мамлакатининг космик фазони ўзлаштиришдаги янги буюк зафари бутун дунёни қойил қолдирди. «Восход-2» космик кемасининг парвози муваффақиятли тугалланганлиги муносабати билан совет халқини қутловчи телеграммалар Москвага КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин номига олиниб турибди. Бу телеграммаларда олимлар, техниклар ва довюрак космонавтлар Павел Беляев билан Алексей Леонов табрикланмоқда.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси давлат кенгашининг Раиси Вальтер Ульбрихт, Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси Вилли Штоф;

Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал, Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ хурали президиумининг Раиси Ж. Самбу;

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Владислав Гомулка, Польша Халқ Республикаси давлат кенгашининг Раиси Эдвард Охаб, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Юзеф Циранкевич;

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан Антонин Новотний, Чехословакия Социалистик Республикасининг ҳукумати номидан Йозеф Ленарт;

Югославия халқи номидан Иосип Броз Тито табрикнома юбордилар.

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Тодор Живков совет космонавт учувчилари полковник Павел Беляев билан подполковник Алексей Леоновни қизғин табриклади.

Венгрия Социалистик ишчи партиясининг Марказий Комитети, шунингдек Италия Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан Луиджи Лонго, Германия Коммунистик партияси номидан Марказий Комитетнинг биринчи секретари Макс Рейман Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига телеграммалар юбориб, совет халқига, унинг довюрак ўғлонлари — космонавтларга эзгу истаклар билдиришди.

* * *

АҚШ президенти Линдон Б. Жонсон Қўшма Штатлар халқи номидан космонавтларга, олимларга ва космосдаги буюк муваффақиятни таъминлаб берган барча кишиларга самимий табриклар ва энг яхши истаклар йўллади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари У Тан совет халқини космик фазони тинч мақсадларда забт этиш соҳасидаги янги муваффақияти билан қутлади. (ТАСС).

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1965 йил 23 март — № 72 — Москва шаҳри.

Совет халқининг буюк ғалабасини, кема командири космонавт учувчи полковник Павел Иванович Беляев, иккинчи учувчи космонавт учувчи подполковник Алексей Архипович Леоновлардан иборат экипаж ичида бўлган кўп ўринли «Восход-2» космик йўлдош кемасини орбитага чиқаришни ва узоқ вақт парвоз қилишини ҳамда одамнинг тарихда биринчи марта кемадан бевосита космосга чиқишини таъминлаган олимлар, инженерлар, техниклар ва ишчиларнинг ғоят катта жасоратини нишонлаш юзасидан **буюраман:**

1965 йил 23 мартда Ватанимиз пойтахти — Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида ва қаҳрамон шаҳарларда тўплардан бир йўла йигирма марта ўқ узиб салют берилсин.

СССР мудофаа министри
Совет Иттифоқи Маршали
Р. МАЛИНОВСКИЙ.

«САЙРОБ» ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Сурхондарё областидаги «Сайроб» совхозининг чорвадорлари социалистик мусобақада катта муваффақиятга эришдилар. Бу хўжалик қорақўл қўйлардан қўзи олиш йиллик планини бажариб қўйди. Парвариш қилиш учун қўзи қолдириш плани анча оширилди. Чўпонлардан Номоз Шониёзов ва Жовли Диёровлар айниқса яхши кўрсаткичларга эришдилар. Бу чўпонлар ўз сурувларидаги ҳар юз бош совлиқдан 130 тадан қўзи олдилар. Умуман совхоз бўйича ҳар юз бош совлиқдан 120 тадан қўзи олиш мажбурияти қабул қилинди. (ЎзТАГ).

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети шахсий пенсионер Борий Одилович **Однлов** шу йил 20 мартда тўсатдан вафот этганлигини қайғу билан маълум қиладилар.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Шахсий пенсионер Борий Одилович Одиловни дафн этиш учун А. С. Абдалин (ранс), Х. А. Асомов, С. З. Зиёмов, А. М. Муродхўжаев, В. С. Содиқова ўртоқлардан иборат комиссия тузилсин.

ЭКИШ БОШЛАНДИ

ТЕРМИЗ. («Совет Узбекистони» мухбири). Сурхондарё воҳасида ҳаво исиб кетди. Ана шу ғанимат фурсатдан фойдаланган тадбиркор деҳқонлар чигит экишни бошлаб юбордилар.

Термиз районидаги Калинин номли колхознинг ўртоқ М. Холмўминов бошлиқ бригадасида биринчи кун 5 гектар ерга чигит экилди. Тракторчи Х. Усанов ва сеялкачи М. Сувонов ўртоқлар уруғни сифатли экишда маҳорат кўрсатишяпти.

Уша куни Шер Қулиев ва Жума Оқчоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам чигит экишга киришилди. Колхоз правлениеси 900 гектар майдонга чигитни бир ҳафта ичида экиб бўлиш мақсадида, далага 10 та агрегатни сафарбар этди.

Райондаги «Қизил юлдуз», Куйбишев номли, Жданов номли ва «Октябрь 40 йиллиги» колхозларида ҳам чигит экишга киришилди.

А. ХАЛИЛОВ.

КОНТРОЛЬ ПОСТЛАР ХАБАР ҚИЛАДИ

УВОЛ ҚИЛМАНГ!

Ғалла, нон инсон учун азиз, мўътабардир. Уни исроф қилган киши эса жиноятчи ҳисобланади. Лекин бизда ғалланинг увол бўлишига бефарқ қарайдиган бепарво кишилар баъзан учраб туради. Масалан, Тўрткўл район дон маҳсулотлари базасида бугдой, ун ва бошқа ғалла маҳсулотлари эътиборсизлик билан асралаётгани оқибатида сифати бузиляпти.

Базада қарийб 8.5 минг тонна ғалла сигадиган 3 та омбор бор. Лекин булардан оқилона фойдаланилмаяпти. Бунинг устига мазкур омборлардаги ғалла маҳсулотлари зах жойларга тўкиб қўйилганлиги учун сорти бузиляпти, исроф бўляпти. Район партия-давлат контроли комитети жамоатчи контролёрларининг аниқлашича, бу ерда 1680 тонна бугдойнинг сифати бузилган. База секцияси Қорақалпоғистон АССР Дон маҳсулотлари бошқармасининг шу йил январь ойида чиқарган кўрсатмаларига амал қилмаяпти. Халқ мулки — ғаллани исроф қилаётган жиноятчилар тегишли жазо олишлари керак.

И. ЗАВОДОВСКИЙ,
Тўрткўл район партия-давлат контроли комитетининг штатсиз ходими.

ФАРҒОНА ФАХРИ

ЯНГИ ҚАҲРАМОНЛАР

Сентябрнинг ўн саккизинчи куни эди. Бригада пахта даласига совхоз директори Неъматжон Аҳмедов келиб қолди.

— Ишингизнинг мазаси йўққа ўхшайди, ога!—деди у бригада бошлиғи Қурбон Кенжаевга. — Энди 3 процент пахта топширибсиз. Баъзи бригадалар планни 55 процентга етказиб қўйишди.

Қурбон Кенжаев нимадир демоқчи бўлди-ю, бироқ индаллай қолди. Бригаданинг совхоз бўйича энг пастки ўринлардан бирида турганлигини унинг ўзи ҳам яхши биларди. Лекин...

Ҳа, шу «лекин»и бор эди. Кенжаев ўз даласида дефолиацияни тамомлагач, 10 сентябрдан буён Абдуманнон Қодиров бошлиқ бригадага ўтиб пахта тераётган эди. Мана бугун бригадасига қайтиб келиб, чошгоҳда теримга тушишни мўлжаллаб турувди. Директор келиб қолди-ю, планнинг сира силжимаётганлигини таъна қилди.

— Бугун теримга тушиб, планни 10 кун ичида бажарамиз! — деди Кенжаев қатъий.

Совхоз директори яна 10 кундан кейин тарози бошида гапла шажагини айтиб, бригадир билан хайрлашди. Қурбон Кенжаев айтганидай қилди. Уша куни айни чошгоҳ пайтида «зангори кема»сини пахтазорга бурди. Қош қорайгунча тинмай ишлади. Тарозибон ундан 10 тонна пахтани ўлчаб олди.

Кунлар кетидан кунлар ўтди. 28 сентябрь куни совхоз бўйлаб ажойиб хушхабар тарқалди: Ўртоқ Қурбон Кенжаев бошлиқ комплекс механизациялашган бригада ҳар гектар ердан 24 центнердан ҳосил кўтариб, йиллик пахта топшириғини 10 кунида бажарди.

— Қурбон Кенжаевга тенглашинг! — бу шиор совхоз бўйлаб қанот қоқди. Кенжаев бригадаси планни 3 процент бажарган кунн 55 процентга яқинлашиб қолган айрим бригадалар ҳали маррадан анча узоқда эдилар. Улар моҳир механизатор Кенжаевнинг жасоратига қойил қолишди. Тез ва сифатли пахта териш сирларини билиб олмоқ учун унинг ҳузурига боришди. Қурбон Кенжаев ўз тажрибаларини сахийлик билан баҳам кўрди...

Шундай! Фарғона область, Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг ўртоқ Қурбон Кенжаев бошлиқ комплекс механизациялашган бригадаси ўтган йили меҳнатда ажойиб қаҳрамонлик кўрсатди. 53 гектар ернинг ҳар гектаридан 35.5 центнердан «оқ олтин» кўтарди. Бригада бошлиғи Қурбон Кенжаевнинг ўзи машинада 218 тонна пахта терди.

Ҳар бир ишчи ҳисобига 160 центнердан пахта етиштирган ана шу бригада аъзолари бир центнер пахтанинг таннархини пландаги 21 сўм ўрнига 14 сўм 96 тийинга туширдилар. Пландан ташқари топширилган пахта эвазига бригада 10 минг 900 сўм қўшимча даромад олди.

Қурбон Кенжаев бригадаси фақат ўтган йили мўл ҳосил етиштиргани йўқ. У 1951 йилдан буён механизаторлик қилаётган бўлса, ана шу давр ичида ҳар йили пахта ҳосилдорлигини муттасил ошириб келяпти. Дастлабки йиллари оддий механизатор бўлиб ишлаган ва сўнгра бригада бошлиғи вазифасига кўтарилган трактарчи Қурбон Кенжаев пахта ишқи билан ёнган, ҳар туп ғўзага қалбини қўйиб қилган «оқ олтин» сохиби, ғўзал Фарғонанинг фахридир. Унинг ана шу хизматлари муносиб тақдирланди. СССР Олий Совети Президиумининг 1965 йил 1 мартдаги Фармони билан Қурбон Кенжаевга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

Биз Қурбон Кенжаевни яқинда бўлиб ўтган республика пахтакорлари қурултойида учратиб қолдик. Унинг кўкрагини 2 та Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва болға» олтин медали безаб турарди. Қурбон Кенжаев ўз ишларидан, шу меҳнатни муносиб тақдирлаган партия ва ҳукуматимиздан бениҳоя миннатдор эканлигини чин юракдан изҳор қилиб, бундай деди:

— Менга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонининг берилиши бутун бригадамиз, қолаверса совхозимиз коллективига тақдим этилган юксак мукофотдир. Ана шу улуғ унвонга лойиқ ишлаш учун гайрат камарини янада маҳкамроқ боғлайман. Етти йилликнинг охирги йилида гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштиришга сўз бераман. Шу билан бирга, 250 тонна пахтани «зангори кема»да теримсиз олмоқчиман.

Қурбон Кенжаев ўтган йилги ютуқлари ҳақида ҳам ҳикоя қилиб берди. Бригаданинг ерлари зах бўлиб, ер ости суви жуда юза жойлашган. Бундай майдонларда мўл ҳосил етиштириш учун жуда катта агротехника талбирлари комплексини амалга ошириш талаб этилади. Кенжаев ана шундай қилди. Энин майдонлари ораларидан зовурлар қазиб, зах сувни қочирди. Сўнгра ерни яхши ишлади, маҳаллий ва минерал ўғитларга қондирди.

Бу ерларда тез-тез кучли шамоллар ҳам бўлиб туради. Кўпинча секундига 25 метргача тезликда шамол эсади. Оқибатда ер қуриб, пахта кочади. Шунга кўра, бригада аъзолари кузда ерни шудгор қилмайдилар. Агар ер кузда ҳайдалса, кучли шамоллар натижасида ер қотиб қолади ва баҳорда чизеллаганда тупроқ майда бўлмай, катта-катта кесаклар кўчади. Ҳайдалганда ҳам тупроқ остидан лойқа кўтарилиб, ернинг структураси бузилади.

Ўтган йили ана шундай шароитда кузги шудгор ўтказилмасдан, экин майдонлари баҳорда — 20 мартдан бошлаб ҳайдалди. Ҳайдаш олдидан ер ўғитларга қондирилди. Экин майдонлари чизелланиб, тупроқ майин бўлди, 60х50 сантиметр схемаси асосида уларга аниқ миқдорда уруғ ташлайдиган сеялка билан чигит экилди. Экиш билан бир вақтда ҳар гектар ерга 70 килограммдан сульфат аммоний ва 100 килограммдан фосфор 100 килограмм гўнгга аралаштириб солинди.

Чигит тупроқнинг намида бир текис ундириб олинди. Шундан кейин ғўза парвариши қизғинтб юборилди. Қатор ораларида бригада бошлиғи Қурбон Кенжаевнинг ўзи жавлон урди. Рўзибой Тошматов, Эргашали Маматов, Қурбон Худоёров каби азаматлар ҳар туп ғўзани меҳр билан асрадилар, қондириб сугордилар. Вегетация даврида ғўза уч марта кўндалангига, икки марта узунасига культивация қилинди, уч марта озиқлантирилди, беш марта сугорилди...

Ана шундай қилиб Қурбон Кенжаев бошлиқ комплекс механизациялашган бригада пахтадан кутилганидан ҳам юқори ҳосил етиштирди. Бу чинакам қаҳрамонлик намунасидир.

Қурбон Кенжаевни Фарғонанинг фахри дейишларининг ҳам боиси шунда.

С. ҚОДИРОВ.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларининг Руминия Халқ Республикаси элчихонасида бўлиши

Руминия Халқ Республикасининг Москвадаги элчихонаси биноси пештоқидаги флагштокга тикилган давлат байроғи мотам муносабати билан бир оз эгилган. Коммунистик партия ва Совет Ҳукуматининг раҳбарлари Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Л. Ф. Ильичев, Б. Н. Пономарев, А. П. Рудаков, В. Н. Титов ўртоқлар кундуз соат учда элчихонага келдилар. Улар халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Руминия Халқ Республикаси давлат кенгашининг раиси ўртоқ Георге Георгиу-Деж вафот этганлиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети номидан Руминия Халқ Республикасининг СССРдаги муваққат ишлар вакили Титус Синга чуқур таъзия билдирдилар.

Партия ва ҳукумат раҳбарлари Георге Георгиу-Дежнинг қора мотам рамкасига олинган портрети олдида бир неча дақиқа мотам сукути сақладилар. Улар ўртоқ Георге Георгиу-Дежнинг порлоқ хотирасини ҳурмат қилиб, мотам дафтарига қўл қўйдилар.

(ТАСС).

ДЎСТЛИК ВА БАХТ-САОДАТ ЙЎЛИ

БЕШ ИТТИФОҚЧИ РЕСПУБЛИКА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИГА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВЛАР

21 март куни мамлакатимизда катта сиёсий кампания тугалланди. Грузия, Литва, Қирғизистон, Арманистон ва Эстония Совет Социалистик Республикаларида маҳаллий Советларга сайловлар ўтказилди.

Беш республика сайловчиларининг овоз бераётган куни шодиёна янгилик — космосни ўзлаштиришда совет кишилари эришган порлоқ ғалаба пайтига тўғри келди.

...«Советская грузия» Камвол-мовут комбинатининг клубидаги сайлов участкаси. Бу ерда ип йигирувчи Этери Варламишвили, бўяш-пардозлаш ишлаб чиқаришининг мастер ёрдамчиси Бугия Онманн ва ўз ишининг бошқа ажойиб мириштқорлари Тбилиси шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб овозга қўйилди. Еш ишчи Т. Вардосанидзе бу ерга биринчи бўлиб келди. У бундай деди:

— Мен номзодларимиз учун бажонидил овоз бераман. Уларни яхши биламан. Бу кишилар менинг ип йигирувчи бўлиб олишимга ёрдам беришди, ҳунар ўрганишимга кўмаклашишди. Улар қўли гул, қалби гўзал кишилардир...

— Литванинг таниқли ёзувчиси вильнюслик Антанас Венцлова қуйидагиларни айтди:

— Сайловлар куни Ватаним ҳаётида ажойиб ҳодиса рўй берганлиги — Совет кишиси космик кемадан коинотга чиққанлиги билан нишонланганлигидан жуда хурсандман. Мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши учун, совет кишисининг қадамни ойга биринчи бўлиб етиши учун овоз бераман.

Тоғли Қирғизистон элн сайлов участкаларига бир оиладан иноқ бўлиб боришди. Бу оила катта ва аҳил оиладир. Республикада 50 миллатнинг фарзандлари яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг энг яхшилари депутатликка номзод қилиб кўрсатилди.

Арманистон маҳаллий Советларининг депутатлигига 25 минг халқ вакиллари номзод қилиб кўрсатилди. Улар орасида республиканинг янги граждонлари, Кипр, Сурия, Туркия, Эрон ва бошқа мамлакатлардан юртига қайтиб келган кишилар ҳам бор эди. Репатриация қилинган минглаб арманлар ўз юртларида биринчи баҳорни кутиб олмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги сайловлар сингари мана шундай муҳим сиёсий кампанияда ўз ҳаётларида биринчи марта қатнашдилар.

Эстония меҳнаткашлари ҳам ўзларининг маҳаллий Советлари учун аҳиллик билан овоз бердилар.

(ТАСС).

Қиличбой канали Ўзбекистон ва Туркманистоннинг 100 минг гектар пахтазорини сув билан таъминлайди. Канал ишдан чиқиб қолишининг олдини олиш учун янада мунаммалроқ бош иншоот қуришга қарор қилинди. Ҳозир каналда ремонт ва қурилиш ишлари қизғин бормоқда. «Туркменвинводстрой» трестининг Тошовуз бошқармаси коллективи бош иншоот қурилишини тез кунлар ичида тугаллаш учун курашмоқда. Сиз бу суратда қурилишнинг пешқадам ишчиларидан қранчи Маткарам Ҳайдаровни кўриб турибсиз.

Н. Ключнев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

РАСМИЯТЧИЛИК ОҚИБАТЛАРИ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

◆ ◆

«Голодностепгэсстрой» бошқармасида 700 га яқин киши ишлайди. Андрей Разин, Тўхтасин Жўрабоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларга коммунистик меҳнат коллективи деган унвон берилди. Яна 7 бригада бу юксак ном учун курашяпти. Меҳнатда ва турмушда намуна кўрсатиб ишлаётган пешқадамлар бошқа бригадаларда, идора ходимлари орасида ҳам анчагина бор. Бироқ бу ерда илғор кишилар сафи ўсиб боришига қарамасдан, коммунистлар сафи кенгаймаяпти. Чунки партия ташкилоти энг муносиб кишиларни партияга қабул қилиш тўғрисида кам қайғуради.

Бултур КПСС аъзоси кандидатлигига атиги 1 киши қабул қилинди, холос. Ҳолбуки бу ерда 3 киши не-не орзулар билан партия сафига кириш учун тайёрланган эди.

Мана, ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб, партбюронинг янги составн сайланганига ҳам салкам олти ой ўтди. Лекин олти ой давомида лоақал бир киши ҳам партия сафига қабул қилинмади. Бу, цех партия ташкилотлари секретарларининг, қолаверса, бошқарма партия ташкилоти бюросининг пассив ишлаётгани оқибатидир.

Партия ташкилоти коммунистларнинг активлигини ошириш, улардан КПСС Устави талабларини ҳамиша бажаришларини таъминлаш борасида бирорта ҳам тадбир амалга оширмаган. Партия йиғилишларида бошқарма партия ташкилоти ҳаётининг туб масалалари муҳокама қилинмайди. Йиғилишларда кўпинча нуқул ишлаб чиқариш масалалари кўрилади, ишлаб чиқариш кенгашларида муҳокама қилинган масалалар такрорланади. Масалан, ўтган йили 29 декабрда бўлган очиқ партия йиғилишида «Голодностепгэсстрой» коллективининг 1964 йил иш якунлари ва 1965 йил вазифалари» муҳокама қилинган ва бу ҳақда бошқарма бошлиғи С. С. Функ доклад қилган эди. Йиғилишга участка бошлиқлари, прораблар, мастерлар таклиф этилди. Орадан 20 кун ўтгандан сўнг худди шу масала партия-хўжалик активининг йиғилишида ҳам кўрилди. Бу йиғилишда ҳам ўртоқ С. Функ шу ҳақда доклад қилди ва музокараларда асосан илгарнги йиғилишда сўзалган «штатли» нотиқлар гапиришди. Партия ташкилоти эса ҳар икки йиғилишни ўзи ўтказган йиғилиш сифатида расмийлаштирди.

Бошқармада партия йиғилишлари расмиятчилик билан, енгил-елпи ўтказилаётганини партия ташкилотининг секретари ўртоқ А. Кочубейнинг қуйидаги гапидан ҳам англаб олиш мумкин.

— Биз, — дейди у, — ҳар бир йиғилишда сўзга чиқувчилар рўйхатини олдиндан тузиб чиқамиз. Шундай қилмасак, ҳеч ким сўзга чиқмаслиги мумкин.

Бу — партия йиғилишида кўриладиган масалани коммунистлар билан бамаслаҳат белгиламаслик, йиғилишга пухта тайёргарлик кўрмасликнинг оқибати. Коммунистларни тўлқинлантираётган масалалар четда қолиб, муҳокамага ҳеч кимни қизиқтирмайдиган масалалар қўйилганда, шундай бўлади.

Партия йиғилишлари учун мавзу танлашда тавакқалчилик ярамайди. Муҳокама этиладиган ҳар бир нарса ҳаётнинг тақозоси билан туғилади ва муайян корхонадаги мавжуд шароитдан келиб чиқади. Партия ташкилотининг секретари, барча коммунистлар эса ўз корхонасининг аҳволини доим беш қўлдек аниқ билишлари, коллективнинг авангарди сифатида омманинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ солишлари, долзарб масалани танлаб, партия йиғилиши муҳокамасига олиб чиқишлари керак.

Партия йиғилишининг қарори шу ташкилот ҳисобида турган барча коммунистлар учун қонуидир. Шундай экан, қарор мукмал, умумий эмас, балки конкрет, ҳар бир коммунистнинг масъулиятини кучайтирадиган бўлиши шарт.

Бошқарма партия ташкилоти ишидаги энг асосий нуқсонлардан яна бири шуки, коммунистларга партия топшириғи ўз вақтида бериб борилмайди. Бу эса уларни пассивлаштириб юборяпти. Масалан, механизациялашган ишлар бошқармасининг прораби Виталий Николаевич Алимпиевни олайлик. У 1961 йилдан КПСС аъзоси, ўрта махсус маълумотга эга. Лекин кнҳолтда пассив. Сиёсий тўгарак машғулотларига ҳам келмайди. Келиб взносни тўлайди, холос. Мажлисларда бирор марта сўзга чиқмайди.

Агар партия бюроси коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш тўғрисида гамхўрлик қилса, коммунистлар ўртасида тарбиявий ишларни юксак савияда олиб борса ва ниҳоят, ҳар бир коммунистга конкрет топшириқ бериб. доим талабчанлик қилса шундай камчиликлар бўлармиди? Йўқ, албатта. Ҳатто сиёсий тўгарак машғулотларига ҳам қатнашмаётган, партиявий бурчини фақат взнос тўлашдагина ўтаётган коммунистни тартибга чақириш ўрнига, партия бюроси аъзолари ва унинг секретари ўртоқ Кочубей қўл қовуштириб ўтиришига нима деса бўлади?

Партиявий ишни юксак савияга кўтариш учун, ҳар бир коммунистнинг коммунизм қуришда чинакам жангчи бўлишига эришш учун партия ташкилоти расмиятчилик билан эмас, балки ижодий, изчиллик билан ишлаши лозим. Шундагина у партиямиз олдига давр қўйган юксак талаблар даражасида иш олиб бориши мумкин.

С. НОРМАТОВ.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон КП Қашқадарё область комитетининг VI пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалани кўрди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан пленум область партия комитетининг секретарлари Н. Ўрунов ва М. Аҳмедов ўртоқларни область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилди.

Область партия комитетининг қишлоқ хўжалик бўйича секретари ва бюро аъзоси қилиб Х. Қўйбоқаров, идеология бўйича секретари ва бюро аъзоси қилиб С. Йўлдошев сайланди. Область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Х. Шогазатов область партия комитетининг бюро аъзоси қилиб сайланди.

Пленум қатнашчилари область партия-давлат контроли органларига партия раҳбарлигининг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида область партия-давлат контроль комитетининг раиси ўртоқ М. Самадов докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. Мусахонов иштирок этди.

З. ИСРОИЛОВ,
(«Совет Ўзбекистони» мухбири).

КОИНОТ КОСМОНАВТЛАР НАЗАРИДА

САМОВИЙ БИРОДАРЛАРНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Павел Беляев билан Алексей Леонов 21 март куни космодромга қайтиб келганларида вақт жуда кеч бўлиб қолган эди. Лекин қаҳрамонлар «Восход-2» кемасида қилган парвозлари ҳақида шу ерга келишлари биланоқ журналистларга сўзлаб бердилар.

Мана ўша суҳбатнинг тексти.

Павел Беляев: Қайф-ҳолимизни сўрааписизларми? Қайф-ҳолимиз жуда яхши.

Алексей Леонов: Кайфимиз ниҳоятда чог! Буни ўзларингиз ҳам кўриб тургандирсизлар, хойнаҳой.

Павел Беляев: Алексей Леоновнинг кема кабинасидан космоса чиқишини кўзда тутган илмий программани тўла адо этдик. Кеманинг ҳамма системалари ва, жумладан, тажрибани ўтказишга боғлиқ бўлган системалар бенуқсон ишлади. Ҳамма ишни бир бошдан гапириб бера қолай.

Пайти келиб, Совет Иттифоқи территорияси устидан учиб бораётганимизда, мен Алешанинг елкасига қоқиб, «Қани бошла», — дедим. Шлюзлаш системаси худди Ерда мукаммал ишлатиб кўрилганидек, ҳай ҳолатга келтирилди. Биз люкни очдик, Алексей люкдан тушиб, кўздан ғойиб бўлди. Мени жуда ҳам бегам деб ўйламанглар. Жуда қаяқонларидир кетдим. Космос минг қилса ҳам космос-да. Биз космос ҳақида кўп нарсаларни биламиз-у, лекин одам текшириб кўрилмаган фазога кема ичидан биринчи марта чиқаётган эди... Юрагим гупиллаб ураётганини эшитиб турибман-у, кўзим ўртоғимнинг плюздан қандай ўтаётганида. Бир неча минутдан кейин Алексей космик фазога чиқиб олди. Биз ҳамма вақт бир-биримиз билан гаплашиб турдик. Приборларга қараб, у билан кема орасидаги масофани аниқладим. Илмий вазифани ниҳоятда аниқ бажармоқ учун биз ҳовлиқмай ишладик. Бўлар-бўлмасга ҳовлиқадиган одатим йўқ. Ҳамма ишни бамайлихотир, хотиржам, пухта қилдик.

Алексей Леонов: Космик фазонинг манзараси ҳақидаги гапларни у ерга чиқиб тушган ўртоқларимдан кўп эшитганман, бу тўғридаги илмий асарларни ўқиганман, лекцияларни тинглаганман. Аммо шундай бўлса ҳам, атмосферадан ташқаридаги фазога чиқиб қолган пайтимда кўрган нарсаларимнинг ҳаммаси мени ҳайратга солди. Пастда Ер ясси бўлиб кўринади ва унинг эгрилиги фақат уфқ томонда кўзга ташланади, холос. Ер бизнинг кўзимизга Ойга ўхшаш думалоқ бўлиб кўриниши учун кема турган бир неча юз километр масофа етарли эмас эди. Рўпарамга қарасам, қоп-қора осмонни кўрдим. Юлдузлар ёркин кўринади-ю, лекин ёғдуланмайди, милт-милт этмайди. Қуёш ҳам Ердан қарагандагига ўхшамайди, унинг атрофидаги тожи кўринмайди, худди қора бахмалга ўраб қўйилганга ўхшайди. Хуллас, кўз ўрганмаган манзара. Шу манзарани кўриб қўрқиб кетдимми? Йўқ. Лекин шундай вазиятда бир ўзим ёлғиз қолганимда... Яхшиямки, ёнимда дўстим бор эди.

Кема командири менинг космосда бўлишимни ҳамма вақт кузатиб турди. Унинг «Ҳовлиқма, Алеша, ишни қандай ўргатишган бўлишса, шундай қил», деб бир маромда дадил айтаётган гаплари менга таскалли берди, кейин атрофимни ўраб турган фазонинг одатдан ташқари манзарасига қизиқиб кетиб, ўзимни унутиб қўйдим. Ана шу дамларда фақат Беляев билан эмас, Ер билан ҳам радио орқали алоқа боғлаб турдим. Бунда ҳам гап кўп эди. «Восход-2» кемасидан ташқарида туриб Москва радиосини тингладим. Бизнинг парвозимиз ҳақидаги ТАСС ахборотини диктор Левитан ўқиб бераётган эди. Москвадан мана шундай жуда олисда туриб бу гапларни эшитиш бир оз ажиб туюлар эди...

Белгиланган вақт ўтгач, Павел Беляев менга кемага қайтиб киришни тўғрисида буйруқ берди. Бу буйруқни бажариш қийин бўлиб чиқди. Люкдан чиқаётган вақтимда бу иш унча қийин бўлмай, ҳатто енгил бўлиб туюлган эди. Менинг ҳаракатим натижасида содир бўлган силкинишдан кема ларзага келиб, сал олдинга ўтиб кетгандай бўлди. Лекин биз бир-биримиз билан ажралишганимиз йўқ. Бизни фала деган ўзига хос йўғон сим маҳкам бирлаштириб турар эди.

Кабинага қайтиб кириш учун «бош қашиш» дегандек, ўйлаб кўришга тўғри келди.

Павел Беляев: Сен-чи, Алексей, космосда бўлган вақтингда кўрган нарсаларингни батафсил гапириб бер.

Алексей Леонов: Ҳозир. Бизнинг Коинотимиз узунасига ҳам, бўйига ҳам, энига ҳам, кўндалангига ҳам чексиздир. Пастда Ер эласэлас кўринади, аммо ундаги ҳамма нарсани жуда яққол кўриш мумкин. Биз Қора денгизни, Азов денгизини кўрдик. Кавказ устидан ўтиб бораётганимизда булутсимон туманга кўзимиз тушди. Узимиз неча марталаб дам олган «Сочи» санаторийсини қидирдим-у, аммо топа олмадим. Эсиз... Космосдан назар ташлаганда, Еримизни Қуёш ёритиб турган кўринади. Волга, Енисей, Иртишни бир-биридан яхши ажратиш мумкин. Бошқа космонавтларнинг Еримиз гўзал, жуда гўзал деган фикрига қўшиламан. Мен уни томоша қилиб, завқландим. Ҳўш, қачон ишладинг? — деб сўрарсизлар. Люкни очишдан бошлаб ниманки қилган бўлсам, шунинг ҳаммаси иш эди. Космос фазоларига чиққанимдан кейин, аввал бир қўлимни, кейин иккинчи қўлимни ҳаракатга солдим, оёғимни қимирлатиб кўрдим. Ҳамма иш кўнгилдагидек, ҳамма иш соз бўлди. Қулоқларим ҳам жойида эди. Шундан сўнг қўлларимни қанотга ўхшатиб ёздим. Кишида жуда ёқимли ҳис пайдо бўлар экан. Ҳозир айтаётган гапларимнинг ҳаммаси программада кўзда тутилганини назарда тутиш керак.

Ўн минут бевосита кемадан ташқарида турган бўлсам, шунинг ҳар бир дақиқасидан тўла фойдаландим. Қўлларни ҳаракатга солиш шундай меҳнат процессларининг элементларидан ҳисобланадики, бусиз космосни эгаллаб бўлмайди. Ер яқинидаги фазони забт этишга, уни Ер учун фойдали қилишга қарор берган кишилар орбитал станцияни монтаж қилишни, аппаратларни кема кабинасидан ташқарига олиб чиқиб, мустаҳкам ўрнатишни — мана шу ишларнинг ҳаммасини бажаришлари керак.

Шуни айтиб қўяйки, кема командирининг обдон ишлашига тўғри келди. Павел Беляев одатда космик кема командирлари бажарадиган вазифалардан ташқари, космосга чиқишни тажриба қилиб кўришда бевосита қатнашди.

Баъзи кишилар космосдаги сузиб юришни сувда сузиб юришга қиёс этмоқчи бўладилар. Менинг айтадиган гапим шуки, бунинг сира бир-бирига ўхшашлик жойи йўқ. Сувда сузаётган вақтингда суянчиғинг борлигини, сирғанаётганингни сезиб турасан. Космосда бундай сезги бўлмайди. Кема ёнида учиб бораётгандек бўласан, холос. Агар тавакқал қилиб, кабинадан ўзингни ажратсанг, қандайдир номаълум орбита бўйлаб сирли зимзиё космос қўйнига абадий учиб кетишинг эҳтимолдан холи эмас. Кемага маҳкам боғланганинг, жонажон Еримизнинг мана шу бир зарраси билан маҳкам туташиб турганингни ҳис этиш нақадар қувонч бахш этади.

Павел Беляев: Кема Алексей Леоновнинг ҳар қандай ҳаракатларига жуда сезгирлик билан қаради. Унинг космосдаги ҳар бир қадамини билинтириб турди. Баъзан арғимчоқнинг икки томонида икки киши туриб, бир-бирини галмагалдан тепага кўтаряптими, деган таассурот туғилар эди, Алексейнинг ботинкаси кабинанинг деворига тақиллаб текканини ва Алексей кеманинг сиртини қўли билан пайпаслаб ушлаётганини эшитиб турдим.

Алексей Леонов: «Восход-2»нинг космосда нақадар салобатли бўлиб кўринишини сизлар билсангиз эди! Кемага беш метр наридан боқар экаиман, завқим ошиб кетди. Илюминаторлари каттакон кўзларга ўхшайди, антенналари эса, бамисоли нозик панжаларидек. Кема ёнида қилган ҳамма ишларим куч талаб қилмади, ҳамма ҳаракатим Ердагидек енгиллик билан ўтди, деб ўйламанглар. Йўқ, роса чарчадим. Устимда скафандр борлигини унутманглар. Скафандр космосда менинг батамом хавфсиз бўлишимни таъминлаб турган бўлса ҳам, лекин биз скафандрда ишлашга ҳали кўниккан эмасмиз. Қўлимдаги қўлқопим ҳам Ерда тақиб юрадиган қўлқопларимизга ўхшаш бежирим ва қулай эмас эди, албатта. Мен кема кабинасидан ташқарида жами бўлиб йигирма минут турдим. Аммо, кўрган нарсаларимнинг ҳаммасини, бажарган ишимни қоғозга ёзиб қўйишим учун бир ярим соат чамаси вақт кетди. Мен шуларни эсдан чиқариб қўймаслик учун ҳамма гапни ўзимизнинг кема журналимизга ёзиб қўйдим.

Хуллас, космосда бўлиш яхши-ю, лекин ҳарқалай кемада бўлиш ундан яхшироқ. Кема — бизнинг шинамгина қадрдон ва жонажон уйимиз ҳисобланади. Ҳаммадан муҳими дўстим Павел Беляев кабинада қолган эди. Космосдан уйимга қайтиб кирган вақтимда Беляев севиниб: «Яша» деб юборди. Биз люкни беркитиб, шу билан парвозимизни давом эттирдик. Аммо, аслини айтганда, биз тажрибани ўтказиш вақтида ҳам бир жойда қимирламай турганимиз йўқ, балки соатига тахминан 28 минг километр тезликда учавердик.

Эртасига мен ҳам Павел Беляевга «Яша!» деб қўйишга мушарраф бўлдим. Шу сўзни айтганимда 19 март куни Ер қуррасини ўн саккизинчи марта айланиб учиб, Павел Беляев қулда бошқариладиган мосламаларни ишга солиш орқали «Восход»ни жонажон тупроғимизга осонгина қўндирган эди.

Павел Беляев: Совет космик техникаси кемаларни бехатар Ерга қўндирувчи ажойиб системани яратди. Мен худди машқлар вақтида мукаммал синаб кўрилган тахлитда ҳаракат қилдим. Аниқ белгиланган вақтда қўлда бошқариладиган мосламани ишга солдим. Парвоз олдидан биз ҳисоблаб кўрган ҳамма мўлжаллар тўғри бўлиб чиқди. Ҳамма системалар пухта ишлади. Биз Ер яқинидаги фазодан қайтиб тушаётган кемани қўндириш вақтида қўлда бошқариладиган мосламани космонавтлар орасида биринчи бўлиб ишлатдик. Бу мослама бизни доғда қолдиргани йўқ.

Алексей Леонов: Кеманн қўлда бошқариш ёрдами билан Ерга қўндириш натижасида кема командирининг масъулиятига масъулият қўшилади, албатта. Ердан берилган буйруққа қараб тормозлантирувчи двигатель мосламаларини ишга туширишнинг йўриги бошқа-ю, бу ишни кеманинг ичида туриб ўзинг қилишингнинг йўриги бошқа.

Павел Беляев: Алексей ўзининг таассуротларини гапириб берди. Мен ҳам унга қўшимча қилиб, бир неча оғиз сўз айтмоқчиман. Кўз олдимизда намоён бўладиган бепоён космос манзараларини ҳали бирорта рассом қаламга олган эмас. Ҳали улкан космосни бадиий жиҳатдан тасвирлаб берган ёзувчи ҳам йўқ. Фантастнинг энг дадил фикри ҳам космик фазони ўз тасаввурига сиғдира олмайди. Йўқ, оламнинг мана шу жуда ажойиб манзарасини гавдалантирмоқ учун ҳамма нарсани ўз кўзинг билан кўрмогинг керак.

Биз юлдузларни мовий тусда кўришга ўрганиб қолганмиз, биз эса, қип-қизил олтин рангидаги юлдузларни кўришдек бахтга мушарраф бўлдик. Уларни бир кишн парвозисизлик билан қора бахмал устига сочиб юборганга ўхшайди.

Алексей Леонов: Улар чинакам ёркин, ҳақиқатан ҳам қизғиш, қизил олтинга ўхшаш бўлиб кўринди. Мен ўзимизнинг кемадаги журналимизга юлдузларнинг суратини солиб ҳам қўйган эдим. Дарвоқе, ваэисизлик ҳолатида ҳат ёзиш ва сурат чизиш унчалик қийин эмас, фақат қаламни қоғозга қаттиқроқ босиш ва кўпроқ машқ қилиш кифоя.

Павел Беляев: Ҳарқалай, Коинот ва унинг туркум-туркум юлдузлари, зулмат пардасини йиртиб турган Қуёш кишини қойил қолдирадиган бир манзарадир. Биз кўриниб турган нарсаларни иллюминаторлар орқали диққат-эътибор билан томоша қилдик. Иттифоқо, Қуёш нурларида чўмилаётган бир нарса эътиборимизни ўзига тортди. Ҳайратланганимиз ва севинганимиздан ҳатто қийқириб юбордик. Кемадан тахминан бир километрча нарида Еринг сунъий йўлдоши учар эди. Буни кўриб жуда таъсирланиб кетдик. Вақти-соати келиб, Ердан юборилган бошқа кемалар ва йўлдошлар билан космосда учрашиб туриш оддий бир иш бўлиб қолади, деб қўйдим ҳаёлимда. Биз космос йўлларида бир-биримиз билан учрашиб туришни ва ҳатто кемадан-кемага ўтишни ўрганиб оламиз. Одамни космосга чиқариш соҳасида биз ўтказган тажриба космосдаги саёҳатлар учун муҳим бўлган мана шу вазифани ҳал қилиш йўлида қўйилган қадамдир.

Алексей Леонов: Ер яқинидаги жойлар ўз бўёқларининг ранг-баранглиги билан кишини ҳайратлантиради. Кема қоронғи томондан ёруғ томонга ўтган пайтда биз бир хил нур гаммасини кўрган бўлсак, ёруғ томондан кема шиддат билан қоронғи томонга ўтаётган пайтда бошқа хил нур гаммасини, асосан мовий, кўк, напормон рангларни кўрдик.

Павел Беляев: Кема ерга қўнди. Биз Алексей Леонов билан тайгага тушиб қолдик. Рациями ўрнатиб, омон-эсон қўнганлигимизни Давлат комиссиясига маълум қилдик.

Яна бир оздан кейин учирувчи группа вакиллари билан учрашдик.

А. РОМАНОВ,
ТАСС махсус мухбири.
Байқўнғир, 21 март.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

22 мартда меҳнаткашлар депутатлари янгидан сайланган Тошкент область Советининг биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Область Совети ижроия комитетининг янги составн сайланди. Депутат Э. Т. Шайхов область ижроия комитетининг раиси қилиб, Г. Г. Светленко область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, Қ. А. Аҳмедов, А. И. Бродова, И. Ҳ. Ҳидоятов, И. Р. Раҳматов раис ўринбосарлари қилиб, М. Эгамбердиев область ижроия комитетининг секретари қилиб сайланди.

Сессия область ижроия комитети бошқармалари ва бўлимларининг раҳбарларини тасдиқлади, область Советининг доимий комиссияларини тузди.

Сессия Тошкент область ижроия комитети раиси Э. Т. Шайховнинг сайловчиларининг наказлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги докладини тинглади ва муҳокама қилди.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛАНДИ

Ўзбекистонда район ва шаҳар халқ судларининг халқ маслаҳатчиларн сайлаб бўлинди. Сайловлар тўғрисидаги Низомга мувофиқ халқ маслаҳатчилари саноат корхоналари ва қурилишларининг коллективларида, колхозларда, совхозларда ва ҳарбий қисмларда, шунингдек граждапларнинг истиқомат қилиб турган жойлари — маҳалла ва уй бошқармаларида ўтказилган йиғилишларда очиқ овозга қўйиш йўли билан сайланди.

Ўзбекистонда жами бўлиб 15.189 халқ маслаҳатчиси сайланди, шулардан 9.709 киши (63,9 проценти) биринчи марта сайланди.

Халқ маслаҳатчилари орасида хотин-қизлар 6.154 киши (40,5 процент), ишчилар ва колхозчилар 7.236 киши (47,7 процент) бўлиб, сайланганларнинг 52,8 проценти партиясизлардир. (ЎзТАГ).

ТЕХНИКА ТАХТ БЎЛСИН!

Қишлоқ хўжалик техникасини тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1965 йил 20 мартга бўлган

М А Ъ Л У М О Т

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — барча маркадаги трактторлар, учинчи стун — шу жумладан ҳайдов тракторлари, тўртинчи стун — чопиқ тракторлари, бешинчи стун — трактор плуглари, олтинчи стун — чигит экадиган сеялкалар.

Тошкент	84,5	107,8	87,0	117,7	97,7
Сирдарё	75,3	86,0	75,5	91,9	76,1
Фарғона	94,8	106,0	99,1	103,5	90,9
Андижон	97,9	98,9	96,1	97,9	92,2
Самарқанд	88,2	99,1	92,3	96,7	82,8
Бухоро	87,9	89,8	91,8	98,6	80,1
Қашқадарё	87,9	128,9	90,0	120,3	103,0
Сурхондарё	88,3	66,8	87,0	69,0	89,0
Хоразм	81,9	87,2	79,4	90,9	78,4
Қорақалпоғистон АССР	80,8	85,4	75,6	92,9	61,6

Фазокорлар

Инсониятнинг тараққиёт тарихида шундай ажойиб кунлар бўладики, бундай кунларни киши доимо зўр завқ ва буюк фахр билан эсга олади. Ана шундай кунлардан бири 1965 йил 18 март — совет гражданларидан полковник Павел Иванович Беляев ва подполковник Алексей Архипович Леоновларнинг «Восход-2» кемасида космик фазога қилган қаҳрамонона парвоз кунидир.

Яқин вақтларгача ҳам ердан фазога учиш мутафаккирларнинг орзуси ва фантазиясигина эди. Фақат рус ихтирочиси К. Э. Циолковский (1857—1935) ернинг тортиш кучини енга оладиган реактив ҳаракат назариясини ишлаб чиқа олди. Маълумки, Циолковскийнинг орзулари биринчи марта унинг Ватанида амалга оширилди, яъни дунёда Ернинг биринчи сунъий йўлдоши СССРдан 1957 йил 4 октябрда учирилди.

Катта тарихий аҳамиятга эга бўлган ажойиб воқеа — кишининг космосга парвози ҳам биринчи марта СССРда 1961 йил 12 апрелда юз берди. Бунда космонавт-учувчи Ю. А. Гагарин Ер шарининг атрофини биринчи космик тезликка эга бўлган, яъни секундига 8 километр йўл ўта оладиган «Восток» кемада 1 соат-у 48 минутда айланиб чиқди. Бундай буюк воқеадан сўнг космосга бирин-кетин бошқа космонавтлар узоқроқ муддатларга учирилди.

1959 йил 2 январда СССРдан дунёда биринчи марта шундай космик ракета учирилдики, у иккинчи космик тезлик деб аталадиган тезликка, яъни секундига 11,2 километрдан кам бўлмаган тезликка эга бўлгани учун Ернинг кучли тортиш майдонига чиқиб, табиий планеталар сингари Қуёшнинг йўлдоши бўлиб қолди.

Иккинчи совет космик ракетаси Ойнинг сиртигача бориб етган биринчи ракета бўлиб, у СССР вимпелини Ойга етказди.

1960—1962 йилларда, махсус асбобларга эга бўлган Совет космик ракеталари энди Венера ва Марс планеталари томон учирилди.

Ҳўш, юқоридаги турли-туман космик парвозлар натижасида нималар маълум бўлди?

Сунъий йўлдошларга ва ракеталарга ўрнатилган асбоблар Ер атмосферасининг энг юқори қатламларидаги ва космик фазодаги шароитлар ҳақида кўп муҳим илмий маълумотлар берди.

Маълумки, Ер атмосфераси Ер сиртидан узоқлашган сари сийраклашиб, 3000 километрдан ҳам ортиқ масофаларгача боради. Ер сиртидан ўн минглаб километр бўлган узоқликда эса энди жуда катта тезликда тартибсиз учиб юрадиган, шу сабабли ниҳоят катта кинетик энергияга эга бўлган заррачалардан иборат пояслар мавжудлиги аниқланди.

Тирик организмларнинг, жумладан, одамнинг ҳам, ҳар қандай космик кемани маълум орбитага чиқариш вақтида юз берадиган катта тезланишни енга олиши ва, космик парвоздаги одатдан ташқари шароит бўлган вазисизликка етарли даражада қобилиятли экани аниқланди. Бу соҳада ўтказилган медик-биологик кузатишлар фанда алоҳида ўрин тутади.

Узоқ космик фазода олиб борилган энг муҳим вазифалардан яна бири космик нурларни ўрганиш бўлди. Маълумки, космик нурлар киши организмига мудҳиш таъсир кўрсатади. Планеталараро учишда космик нурлардан сақланиш масаласини ўрганиш космик фазода кенг илмий ишлар ўтказишни талаб қилди. Агар биринчи космонавтучувчилар ташқи муҳитдан герметик равишда беркитилган кемалар ичида яна махсус скафандр кийимларда парвоз этган бўлсалар, космонавтлардан Комаров, Феоктистов ва Егоровлар космик кема ичида скафандрларсиз иш олиб бордилар. Ниҳоят, 11-совет космонавт-учувчиси Алексей Леонов «Восход-2» кема ичидан тарихда биринчи марта космик фазога чиқишга муваффақ бўлди. Бу албатта космосни забт этишда қўлга киритилган ажойиб ютуқлардан биридир. Кемадан кишининг космик фазога чиқиши бошқа планеталарга учишдан аввал Ер атрофида айланиб турадиган катта сунъий лабораторияни яратиш проблемаларининг муваффақиятли ҳал этилаётганидан хабар беради.

Космик кемаларни Ерга олдиндан белгиланган жойга муваффақиятли тушириш ҳам энг муҳим ва энг мураккаб вазифалардан биридир. Совет космонавтларининг бу соҳадаги ютуқлари ҳам мамлакатимизда тобора такомиллаштирилаётган космонавтиканинг тараққиёт даражасини кўрсатмоқда.

Ҳар галги сингари, совет космонавтларининг космосга «Восход-2» кемасида қилган бу сафарлари ҳам фан ва техникани катта, шонли ютуқлар билан бойитиши шубҳасиздир.

А. ЛАТИПОВ,
физика-математика фанлари кандидати.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ 2

23 МАРТ, 1965 ИИЛ
№ 68 (13.024).

МУХБИРЛАР ХАТИДАН

ЭКИШГА ШАЙМИСИЗ

Кўклам. Деҳқоннинг ташвиши ортган, қўли-қўлига тегмайдиган пайт. Шундай бўляпти ҳам. Республикамиз пахтакорлари чигит экишни шайланиб кутиб олиш учун далаларда тер тўкиб меҳнат қилишяпти.

Аввало деҳқоннинг қаноти бўлган техникани тайёрлашга зўр берилди. Самарқанд областидаги «Боғизоғон» совхозида 14 та «ДТ-24», 5 та «ДТ-54» тракторлари, бир неча сеялка, борона ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари, «Ғозғон» совхозида 14 та «ДТ-54» трактори, 14 сеялка ремонтдан чиқарилди. Избоскан районидаги «Правда» ва «Победа» колхозларида 28 та сеялка, 16 та дискали борона, 45 комплект «зиг-заг» борона, Чуст районидаги Ленин номли колхозда 12 та «ДТ-54», 12 та «ДТ-24», 21 «универсал» тракторлари дала ишларига тахт қилиб қўйилди.

Охунбобоев районидаги Карл Маркс номли ва Фрунзе номли колхозларда ремонтдан чиқарилган 17 та ҳайдов, 44 та чопиқ тракторларининг, 7 та дизель, 28 та сеялка, 100 комплект боронанинг ҳаммаси давлат комиссияси томонидан яхши баҳо билан қабул қилиб олинди.

Редакция булар ҳақидаги хат-хабарларни О. Эргашев, М. Орипов, А. Асронов, Х. Тўйганов, Т. Ҳатамов, Ш. Камолов, М. Тошбоев, М. Раҳматов ўртоқлардан олди.

Маҳаллий ўғит — ерга дармон. Шунинг учун ҳам илгор колхоз ва совхозларда маҳаллий ўғит кўплаб жамғарияпти. Н. Рауфжонов, Н. Абдуллаев, Х. Жалилов, П. Бозоров, Ў. Қорабоев, Т. Турдиалиев ўртоқларнинг ёзишларича, Бағдод районидаги Калинин номли колхозининг ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган Турсунхўжа Насриддинов бошлиқ бригадасида далага 180 тонна маҳаллий ўғит чиқариб тўкилди. Олтиариқ районидаги «Ленинград» колхозида ҳар гектар ер ҳисобига 7-8 тоннадан, Вобкент районидаги «Қизил байроқ» ва Ленин номли колхозларда 10-12 тоннадан, Сариосиё районидаги «Янги рўзғор» колхозида 8-10 тоннадан, Фарғона областидаги Киров номли совхозининг ўртоқ Х. Зоҳидов бошлиқ бригадасида 5-6 тоннадан гўнг жамғарилди.

Б. Сапиёзов, К. Раҳимов, Ғ. Жарқинбоев, Н. Қудратов, Б. Имомов, Ф. Расулов, А. Алибоев, Э. Бегматов, Ў. Исматов ёзиб юборган хат-хабарларда бундай дейилади:

— Беруний районидаги Киров номли колхозининг шофери ўртоқ И. Каримов ҳар куни далага 12-15 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариб тўкиб, топшириқни ортиғи билан бажаряпти. У ҳозиргача 360 тоннадан ортиқ ўғит жамғарди. Янгиариқ районидаги Охунбобоев номли колхозда 1576 тонна, Янгиер районидаги «Дружба» совхозида 1750 тонна, Урганч районидаги Карл Маркс номли колхозда 1900 тонна, Олтиариқ районидаги Ленин номли колхозда 1200 тонна, Гулистон районидаги Калинин номли колхозда 2500 тонна маҳаллий ўғит гўнгхоналарда чиритиляпти. Бўз районидаги «Коминтерн» колхозида шу кунларда ҳам 10 та юк автомашинаси, 6 та трактор прицепи билан далага 25-28 тоннадан, Ғиждувон районидаги Энгельс номли колхозда 46 от-арава, 12 автомашина, 31 тележка билан 40-45 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариб тўкилаётир.

Сув йўллари равон бўлса, сувчи ғўзани ҳўзур қилиб ва қондириб суғоради. Бу оддий ҳақиқат эътиборга олинаётган жойларда ариқ-зовурлар сув равон оқадиган қилиб қўйиляпти. Сирдарё областидаги «Партия XX съезди» совхозида 2700 метр узунликда ариқ-зовурлар тозаланди. Поп районидаги Ленин номли, Карл Маркс номли колхозларда ариқ-зовурларнинг хаммаси чуқурлаштирилди ва баъзилари кенгайтирилди. Яккабоғ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида 6000 метр узунликда ариқ-зовурлар ремонт қилинди. Кўмилиб қолган ярим километр узунликдаги ариқ лойқадан яхшилаб тозаланди. И. Худойбердиев, Э. Ендошев, Х. Абдуазизов, Ш. Маҳмудов, Ж. Бобоев ўртоқлар шулар ҳақида ёзишган.

Илғор хўжаликларда тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга биринчи даражали иш деб қаралмоқда. Шу мақсадда қиши билан ернинг шўри ювилди. зах сувлар қочирилди. яхоб берилди. М. Бобошев, Ў. Кўчқоров, М. Валихонов ўртоқларнинг хабарида кўрсатилишича, Балиқчи районидаги «Пахтакор» колхозида 974 гектар ернинг шўри 2-3 марта ювиб йўқотилди. Шўрланмаган 305 гектар ерга яхоб берилди. Зардарё районидаги «Правда» колхозининг сувчиларидан Абдураҳим Хўжасаидов, Олимжон Холиқов ва бошқаларнинг фидокорона меҳнати туфайли шўр ювиш муддатидан илгари, юқори сифатли тугалланди. 650 гектар ерга бостириб сув қўйилиб, зарарли тузлар тупроқнинг чуқур қатламига тушириб юборилди. Ўзбекистон районидаги «Қўқон» совхозида 3480 гектар ернинг шўри ювилиб, топшириқ ортиғи билан адо этилди.

Ерга ер қўшиш — олижаноб иш. Буни республикамизнинг ҳар бир пахтакори жуда яхши тушунади. Шу сабабли пахтакорларимиз қўриқ очиб экин майдонларини кенгайтиришга катта эътибор беришяпти. Қарши районидаги янги ташкил этилган «Қашқадарё» совхозининг коллективи чўлдан 1000 гектар ерни ишга солди. Бу ерларга шу йил чигит экилади. Иштихон районидаги Куйбишев номли колхоз аъзолари бу йил пахта майдонларини янги ерлар ҳисобига 100 гектар кенгайтирдилар.

Андижон районидаги Свердлов номли колхоз пахтакорлари 10 гектар, Бағдод районидаги «Партия XX съезди» колхозининг деҳқонлари 60 гектар, Охунбобоев районидаги Ленин номли колхознинг Солижон Содиқов бошлиқ бригадаси аъзолари Марказий Фарғона ерларидан 5 гектар қўриқ ўзлаштириб, чигит экишга тайёрлаб қўйдилар. Бу мисоллар Х. Назаров, М. Абдуллаев, С. Усмонов, Х. Орипов, Ў. Саидов ва бошқа ўртоқлардан олинган хабарларда акс эттирилган.

Х. Шерматов, А. Абдувалиев, М. Нишонов, Р. Каримов, Ю. Қудратов, С. Ҳикматов, Б. Қурбонов, Т. Имомов, К. Худойберганов ўртоқлар Тўрткўл районидаги Оржоникидзе номли. Янгийўл районидаги «Ленинград». Пастдарғом районидаги «Комсомол», Оққўрғон районидаги Куйбишев номли ва бошқа колхозларда шудгорни борона қилишга киришилганини хабар қилишган. Ерларни икки-уч кун ичида юмшатиб олиш мақсадида ҳамма борона, мола ва чизеллардан фойдаланилаётир. Нами қочиб қолган ерлар эса енгил сув қўйиб суғориляпти.

Бу ижобий ишлар билан бир қаторда, чигит экишга тайёргарликда жиддий камчиликлар ҳам кўп. М. Янгибоев, У. Салимов, И. Зиёдуллаев, И. Иброҳимов ва бошқа ўртоқларнинг хатларида ана шундай нуқсонлар очиб ташланади. Ўзғут районидаги 4-совхозда техникани ремонт қилиш кечиктириб юбориляпти. 5 та «ДТ-54» трактордан эндн 2 таси дала ишларига тайёр қилинди. Ўнлаб бузуқ борона, плуг, сеялка ва бошқа машиналар ҳали ремонтга қўйилган эмас. Чироқчи районидаги Охунбобоев номли, Наманган районидаги «Қизил байроқ». Қарши районидаги «Москва», «Ленинизм» колхозларида маҳаллий ўғит тайёрлашга, ариқ-зовурларни тозалашга яхши эътибор берилмаяпти. Бу ишлар учун ишчи кучлари, транспорт воситалари ва бошқа керакли нарсалар етарли ажратилмаган.

Чигит экишни оммавий равишда бошлаб юборишга саноқли кунлар қолди. Ленин экишгача қилинадиган ишлар ҳали кўп. Тайёргарликни жадаллаштириш керак. Шу мақсадда ҳамма ишчи кучларини дала ишларига сафарбар этиш, ер ҳайдашда, тупроқни юмшатишда, карталарни текислашда техникадан кеча-кундуз унумли фойдаланиш, иш устидан назоратни кун сайин кучайтириш лозим.

ЯХШИ НИЯТ БИЛАН КЎЧАТ ЭК!

● Хива районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози аъзолари кўчат ўтказиш юзасидан икки кунлик ҳашар ўтказдилар. Икки кун ичида колхозчилар 25 гектар майдонга олма, нок, шафтоли ва анор кўчати ўтказиб, боғ барпо қилдилар.

Д. МАМАЖОНОВ.

● Гулистон шаҳар коммунал хўжалиги бўлими ходимлари шаҳарни кўкаламзорлаштириш соҳасида катта иш қилмоқдалар. Улар кўчаларнинг четларига 3800 туп кўчат ўтқаздилар.

Э. РУЗИБОЕВ.

● Вобкент районидаги «1 Май» колхозида Жабборбобо Орипов, Саломбобо Қодиров, Нормурод Тўраев ва Муҳаммад Султонов ўртоқлар кўчат ўтказишда ғайрат қилишяпти. Улар қисқа вақт ичида 5000 туп кўчат ўтқаздилар. Бу ерда яна 4000 туп мевали ва меваси дарахт кўчатларн ўтказилади.

Х. ТЎРАЕВ.

● Оққўрғон районидаги 2-боғдорчилик совхозида 8500 туп кўчат ўтказилди. Совхознинг боғ ва токзорлари 925 гектарга етди. Соҳибкорлар мўл ҳосил етиштириш учун курашни кўчайтириб юбордилар. Ҳозир боғларда 6 та трактор ишлаб турибди: мева дарахтларига ҳашаротга қарши дори сепиляпти.

С. БЕКТОЕВ.

БЕДАПОЯЛАР КЕНГАЯДИ

Қорақалпоғистон Автоном республикасидаги кўпгина хўжаликлар бундан бир неча йил илгари беда етиштиришда ажойиб муваффақиятларга эришган эдилар. Масалан, «Чимбой» совхозида 1959 йилнинг ўзида қарийб 600 гектар бедапоя бўлиб, мўл ҳосил олинган эди.

Лекин кейинги вақтларда Автоном республикада бедачиликка етарли эътибор берилмади. Натижада бедапоялар камайиб, олинадиган беда ҳосили пасайиб кетди. Область партия комитети ҳамда Автоном республика Министрлар Совети бунинг олдини олиш мақсадида яқинда бедапоялярни кенгайтириш тўғрисида махсус қарор қабул қилди.

Колхоз ва совхозлар ана шу қарорни амалга оширишга киришдилар. Биргина «Чимбой» совхози бу йил 466 гектар ерга беда экишни мўлжалламоқда. Дастлабки 40 гектар ер беда экишга тайёрлаб қўйилди. Совхозда агроном Бозорбой Аташев раҳбарлигида махсус бедачилик бўлими ташкил этилди. Шу мақсадда бўлимга 3 та ҳайдов трактори, 2 та прицепли трактор, ҳашак майдалайдиган машина, беда талқони тайёрлайдиган 1 та агрегат ажратилди. Шунингдек, бўлимга 20 киши доимий бириктириб қўйилди. Бу бўлим шу йилнинг ўзида 1000 тонна беда талқони етиштириб беради.

Шу кунларда бедапояларда иш қизиб кетди. Ерларни ҳайдашдан олдин гектарига 150-200 килограммдан суперфосфат ҳамда 10-12 тоннадан маҳаллий ўғит солинаяпти. Бўлим ишчилари бу йил беданн камида 4 марта ўриб олиш учун дала ишларини жадаллаштириб юбордилар.

Чимбой район и д а г и бошқа хўжаликларда ҳам бедапоялар кескин кўпайтирилмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЭКИПАЖ АЪЗОЛАРИ ЎҚИТИЛЯПТИ

Олтиариқ районидаги Максим Горький номли колхозда бу йил 600 гектар майдонга квадратуялаб чигит экилади. Квадратларнинг аниқ бўлишини таъминлаш мақсадида колхоз агрономи Р. Эгамбердиев ҳамда инженер Т. Исҳоқов ўртоқлар бошчилигида экипаж аъзолари семинардарда ўқитилмоқда.

Н. РАУФЖОНОВ.



Ўзбекистон районидаги «Ленинчи» колхозида чигит экишга тайёргарлик ишлари яхши бормоқда. Колхоз механизаторлари партов ерларни ўзлаштириб, экин майдонларини кенгайтирмоқдалар. Суратда: тракторчи Турсунбой Меҳмонов 8-бригада ерларини текисламоқда. Чапда бригада бошлиғи А. Асқаров.

М. Ботиров фотоси.

ЕРДА НАМ ТЎПЛАЙЛИК

Ўтган йили ажойиб зафар қучган пахтакорларимиз етти йилликнинг якунловчи йилида янада юксак «оқ олтин» хирмони қўтаришга аҳд қилишган. Ана шу улуғвор вазифани шараф билан бажаришимизда чигитни ўз муддатида бир текис ундириб олиш ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ҳосилдорлик ошиши учун гектарларда кўчат тўла бўлиши керак. Бунинг учун эса ерни минерал ва маҳаллий ўғитларга тўйдириш, унда етарли нам сақлаб қолишга эришиш лозим. Гектарларда кўчат қалинлигига эришиш чигит экишдан бошланади. Чигитни бир текис ундириб олишга эса ерда етарли нам сақлаб қолиш орқали эришилади. Агар ерда нам кам бўлса, чигит текис ва бир вақтда униб чиқмайди. Усимлик нотекис ривожланади. Айрим ҳолларда нам етишмаслиги натижасида чигит тўла униб чиқмай, кўчат сони кескин камайиб кетади. Бу ўз навбатида ҳосилнинг камайиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун тупроқда нам тўплаш мақсадида шу неча-кундузда ерни суғориш ниҳоятда фойдалидир.

Лекин кўпчилик деҳқонларимиз ёғингарчилик кўп бўляпти, ерда нам кўп деган мулоҳазада бу ишга жиддий қарамаяптилар. Бу йил Ўзбекистоннинг барча областларида куз ва қиш фасллари қурук келди. Синоптикларнинг берган маълумотига кўра, куз ва қиш ойларида то 1 мартгача ёғингарчилик етарли бўлмаган. Март ойининг биринчи ярмида ҳам ёғингарчилик кам бўлди. Бу ерни баҳорда суғоришни тақозо этаётир. Ернинг ярим м е т р ли юқори қатламида нам жуда кам бўлиб, ҳар гектар ерда тахминан 1200-1500 кубометр нам етишмайди. Ана шу нам етишмаётган ерларни экиш олдидан суғориш билан тўлдиришимиз лозим. Сугориш чигитнинг текис униб чиқишини таъминлайди, ниҳолларнинг нормал ривожланишига шароит яратади.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Республикамизда ёғингарчилининг кам бўлиши, бунинг устига ерни суғориш қониқарсиз бораётганлиги жиддий ташвиш туғдираётир. Қиш тўғри, баҳор бошланди. Ҳадемай чигит экамиз. Шунинг учун йўл қўйилган камчиликларнинг оқибатини тез бартараф қилиб, чигит экиш кампаниясини ҳар томонлама тайёргарлик билан кутиб олиш — пахтакорларимизнинг муҳим вазифасидир. Маълумки, ерда етарли нам бўлмаса, чигит суви беришга мажбур бўламиз. Бу зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Чигит суви берилганда тупроқ зичланиб қолиши, тупроқдаги ҳарорат пасайиб кетиши ва сифатсиз суғориш орқали қатқалоқ ҳосил бўлиши натижасида уруғнинг униб чиқиши секинлашади. Кўпчилик ҳолларда илдиз чириш касаллиги орқасида гектарларда кўчат камайиб кетади. Бу ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади.

Олиб борилган илмий текширишлар кўкламги суғориш Андижон областининг бўз тупроқли, Сурхондарё областининг суғориладиган тақир тупроқли ерларида, шунингдек механик таркиби оғир бўлган бўз тупроқли ва йиллик ёғингарчилик миқдори 130-150 миллиметрдан ошмайдиган ерларда самарали натижалар бераётганлигини кўрсатмоқда. Ана шу ерларда ерни суғориш ҳисобига ҳосилдорлик гектар бошига 5,1-5,4 центнер ошириляпти.

Андижон область тажриба станциясининг бир неча йиллик маълумотлари кўкламда берилган сув ҳосилдорликни гектар бошига қамида 2,2-4 центнер оширишга ёрдам бераётганлигини тасдиқлади. Шунинг учун етарли нам тўплаш учун ерни эрта кўкламда суғоришга катта эътибор бериш керак.

Кўкламги сувни қаерда, қандай бериш мақсадга мувофиқ? Бу саволга шундай жавоб бериш мумкин: кўп ҳолларда ер ва тупроқ шароити ҳисобга олиниб, эгатлаб бериш тавсия этилади. Сув ўтказувчанлиги ёмон, нишаби кам участкаларда эгатлар оралиғи 100 сантиметр, сув ўтказувчанлиги яхши, нишаби яхши участкаларда эса 60 сантиметр бўлиши мумкин.

Эгатлар трактор культиваторлари ёрдамида 16-18 сантиметр чуқурликда олинади. Эгатларга ўқ ариқлар орқали сув қўйилади. Ўқ ариқлар оралиғи суғориладиган картанинг тупроқ шароитига ва рельефига қараб 150-200 метр бўлиши мумкин.

Ерга сув қўйилгандан сўнг намни сақлаб қолиш ҳам катта аҳамиятга эга. Ер етилиши билан бороналанмаса, нам бугланиб, қилинган меҳнатнинг бир қисми зое кетади. Шунинг учун ер етилиши биланоқ дарҳол картани кўндаланигига ёки бурчагидан икки из билан бороналаш керак.

Ерни суғорнш устидан колхоз ва совхозларнинг агрономлари доим назорат қилиб туришлари керак. Токи картадаги барча ерга сув бир текисда берилсин. Агар карталар чала сугорилса, ер етилиши қийинлашади. Сув текман жойлар нам бўлиб, тегмаган жойлар эса қуриб қолади. Бу чигитнинг текис униб чиқиши ва ўсимликнинг баравар ривожланишига салбий таъсир этади.

Ерларни кўкламда суғориш ишини ҳамма жойда қисқа муддатда сифатли ўтказишга эришайлик! Бу билан 1965 йилда «оқ олтин»дан янада каттароқ хирмон кўтаришга мустаҳкам пойдевор қўйган бўламиз.

С. НАБИХЎЖАЕВ,
СоюзНИХИ илмий ходими.

Буюк ғалабанинг 20 йиллиги олдидан

БЕГОНА ОСМОН ОСТИДА

Франция. Даҳшатли уруш йиллари. Немис-фашист босқинчилари Россия тамом бўлди, Москвани бир ҳовучгина коммунистлар мудофаа қилмоқдалар, бир-икки кун ичида уларни ҳам қириб ташлаймиз, деб бутун дунёга жар солдилар.

Мана шу мудҳиш, даҳшатли оғир кунларда Франциянинг шимолидаги Сен-ан-Гоэль шаҳрида совет лейтенанти формасидаги бир киши пайдо бўлди. Унинг ёнида белорус, ўзбек, арман, қозоқ, грузин ва руслар турарди.

Лейтенант рус тилида гап бошлади, унинг нутқини ёшгина француз йигитн таржима қилиб турди.

— Яўқ! Москва тиз чўкмайди! Биз курашамиз. Биз сизлар билан биргамиз, дўстлар. Ҳатто дарёлар ҳам туташадилар. Ахир биз инсонмиз, бизлар бирлашишимиз керак, бирлашганлар ўзади, дейдилар.

Жасоратли қаҳрамон жангчилар Аррас майдонида, Эннельтер бозорида бўладилар. Француз шаҳар ва кўчаларида совет офицерлари фашистларни писанд қилмай юрибдилар, деган овоза тарқалди.

Ажабо, кишиларни ҳаяжонга солаётган, курашга даъват этаётган бу қўрқмас киши ким бўлдийкин? Унинг ҳамроҳлари кимлар? Лейтенантни «Дрокурдан келган рус», «Базир», «Базиль Борик» деб аташади. Унинг боши учун 1 миллион франк ваъда қилишган фашистлар.

Франция тупрогида қаҳрамонлик қилган бу ботирнинг ким. лигини украин кинодраматурги Борис Николаевич Колодний яқинда аниқлади. У француз қаршилик кўрсатиш ҳаракати иштирокчиларидан минглаб кишиларни, тирик ва ўлик қаҳрамонларни аниқлади.

Француз қаршилик кўрсатиш ҳаракати иштирокчиларини излаш яқинда кинодраматургни Узбекистонга олиб келди. Бу ерда у афсонавий қаҳрамон «Базир» (ҳозир Совет Иттифоқи Қаҳрамони Василий Порик)нинг энг яқин дўсти Степан Кондратюкни ва бошқа шу каби қаҳрамонлик эпопеяси иштирокчилари бўлган кўпгина ўзбекларни учратишга муяссар бўлди.

Куйида ўртоқ Б. Н. Колодийнинг шу учрашувлардан бири ҳақидаги лавҳасини ўқийсиз.

◆ ◆

ПАРИЖДАН ХАТ

Париждан хат келди. Унда «Франция — СССР» бирлашмасининг президенти Андрэ Пьерар Совет Армияси лейтенанти Базиль Бориқнинг қариндош-уруғларини ахтаришни илтимос қилган. У бу киши Франция тупроғида қаҳрамонона курашиб, ҳалок бўлгани, ҳозир унинг мозорига ҳайкал қўйилгани, турманинг у ётган камераси деворига мармар тахта осилганлиги, уни ушбу турмада отиб ўлдирганликлари ҳақида ёзган ва конвертнинг ичига Базилнинг суратини солиб юборган экан. Сурат — почта открнткаси бўлиб, қаҳрамон ҳақида эсдалик сифатида Францияда босилган.

Франция халқи ва айниқса унинг шимолий районида яшовчилар Борикни ўз миллий қаҳрамонлари деб биладилар, уни француз қаҳрамони Шорл Дебарж билан бир қаторга қўядилар.

Бу воқеа мени жуда кучли ҳаяжонга солди ва мен Борик образини экранга яратишга қарор қилдим. Бунинг учун керакли материалларни йиғиш мақсадида армия ва флотнинг барча қисмларига хат билан мурожаат қилдим. Ҳамма ердан бир хил мазмунда, Базиль Борик шахсий состав рўйхатида йўқ, деган жавоб олдим.

Бир кун ўз изланишларим ҳақида киевлик журналист Тимофей Шпирний билан суҳбатлашиб қолдим. У Францияда юборишган расмни кўриб:

— Э, тўхта, тўхта! Бу кишининг чеҳраси менга жуда таниш-ку, — деб қолди. — Лейтенант, Базиль Борик деяпсанми?.. Бизда. Харьковдаги пиёда аскарлар мактабида Вася Порик деган курсант бор эди. Бу ўша эмасмикин? Ўшанга ўхшайди! Уйимда сурати ҳам бўлса керак...

Унинг ота-онаси Винница областининг Хмельницкий районида яшарди. Вася мактабимизнинг аълочи курсанти бўлганлиги учун суратини олган эдик...

Мен Василийнинг отаси билан учрашиш учун йўлга чиқдим.

О Т А

Қаршимда 60 ёшлардаги, мункайиб қолган киши ўтирибди. У нимагадир менинг кўзларимга қарамасдан. саволларимга бир хилда жавоб берарди.

— Сизнинг Вася деган ўғлингиз бўлганми?

— Бўлган.

— У Францияда бўлганми?

— Бўлган.

— У ерда нима билан шуғулланган?

— Қаёқдан билай. Францияда бўлмаган бўлсам!

Деворда Васянинг бир қиз билан тушган сурати осиғлиқ турибди. Бунда у худди французларга ўхшайди. Унинг бошида французча берет.

— Васянинг ёнидаги ким?

— Мен кимлигини қаердан биламан? Францияда кимдир бошини айлантирганда. Ўша ердан юборган.

Шу пайт ошхонадан қотмагина кампир югуриб чиқиб, чолга қараб гапира кетди.

— Сен нима деяпсан, чол! Агар Вася тирик бўлганда эҳтимол у бизнинг келинимиз бўларди. Ахир унинг ота-онаси ҳам хат ёзганди-ку.

— Қанақа хат?..

— Ҳа, улардан хат олганмиз. Ҳозир мен уни сизга кўрсатаман.

Ярми рус, ярми французча ёзилган хатдан қуйилагиларни ўқидим:

«Салом, менинг қимматли қудаларим! Людвига Яковлевна Толиченкодан деб билурсиз. Киеринский районидаги Лопатица қишлоғидан ёзмоқдаман.

Бизнинг болаларимиз Галя ва Вася лаънати Гитлер туфайли узоқ Францияда бирга юриб, бирга курашиб, бир-бирларини қаттиқ севиб қолишган. Улар турмуш қуришмоқчи эдилар. Лекин насиб бўлмади. Фашистлар Васяни отиб ўлдирдилар.

Ҳозир менинг Галям ҳам каергадир гойиб бўлган. Агарда у топилса ўғлингиз ҳақида батафсил ёзиб юбораман».

Мени хат ёзган аёлнинг тақдири қизиқтирди. Людвига Яковлевнага хат ёздим. Узоқ вақт жавоб олмадим. Бир кун хат келди. Унда қуйидагилар ёзилган.

«Ҳурматли Борис Николаевич! Сизга Людвига Яковлевнанинг катта қизи Полина — ёзяпти. Онамиз дунёдан ўтди. Галя топилди. Ҳозир у Балхаш шахтасида ишлаяпти. Турмушга чиққан. 4 та боласи бор. Эри кон қазувчи.

Унинг адреси: Балхаш, Шарқий кон, 9-уй, 6-квартира».

Тезда Галяга хат ёздим ва ундан олинган жавоб билан Франция тупроғида қаҳрамонона жанг қилган минглаб совет кишиларининг ва Базиль Бориқнинг ҳаётига оид ажойиб саҳифалар очилди.

Галя Василий билан ёнмаён курашган кўпгина кишиларнинг адресини хабар қилди.

ДЎСТЛАР ҲИКОЯСИ

Василий Харьковдаги пиёда аскарлар мактабини битиргач, лейтенант унвонини олади ва урушга жўнаб кетади. Қуршов. Тутқунлик. У Шимолий Францияга тушиб қолади. Шахтада ишлайди. Ирода ли, ғайратли йигитни немислар лагернинг оқсоқолн қилиб тайинлайдилар. Шунинг учун ҳам отаси билан биринчи марта учрашганимда у ғазабланган экан. Васянинг ҳамшаърлари Франциядан унинг оқсоқолигини хабар қилган эканлар ва қандайдир қидирувчи бу ишни дурустроқ текширмасдан, отани қамоққа олган экан.

Вася немисларнинг унга бўлган ишончидан фойдаланиб, қўпорувчи группа ташкил этади. Улар конларни қўпориб, шлангларни бузиб, механизмларни ишдан чиқариб юрадилар. Сўнгра Франция Коммунистик партияси билан алоқа боғлайдилар. Энг ёш партизан Ваня Федорукни бир француз оиласига ўғил қилиб киритадилар ва у орқали жанговар топшириқлар олиб турадилар ҳамда қаршилик кўрсатиш ҳаракати штабига ҳисобот бериб борадилар.

Бу группанинг таъсири тезда бошқа шахталарга, кейинчалик бутун Шимолий Францияга ёйилади.

Немислар Васядан шубҳалана бошлайдилар. Бир кун ярим кечада Васяни Жан исмли француз уйготди ва уни немислар ахтараётганлигини хабар қилди.

— Тезроқ тур... Бу ердан қоч!..

Вася коридорга чиқса немислар келяпти. У чаққон ҳаракат қилиб ойнадан сакраб, тоннель орқали ўрмонга қараб кочди. Бундай караса яланг оёқ бир қиз унга томон югуриб келмоқда. Вася қизчанинг титраётган қўлидан ушлаб, жар томонга чопдилар. Улар пастга тушишлари билан. қувиб келаётган немислар жар устидан ўтиб кетадилар.

Қиз Галя эди. У ҳам бошқалар каби Василийни хоин деб ўйлаб, ундан нафратланарди.

ЎРМОНДА

Мана Галя ва Василий бир неча кундан бери ўрмонда француз партизанлари билан қандай алоқа боғлаш йўлини ахтарнб юришибди. Галя ўғган гулхан олдида тўхтаб қолди.

— Буни қара!.. Кули иссиқ. Ҳозиргина ёниб бўлганга ўхшайди. Бу менга отрядимиз пионерларининг Подольеда. Лопатицада ёққан гулханларини эслатди.

— Тўхта-тўхта.. Сен лопатицаликмисан? Мен, Соломиркидан. Хмельницкда бўлганмисан?..

— Бўлганман. Бувам билан у ерга олма олиб борардик.

— Бозорга ўтилади г а кўприкни биласанми?

— Биламан... Вой буни қара... ҳамшаҳар эканмиз.

Бирдан дарё томонда ўқ овозлари эшитилиб қолди. Вася қирғоқ томонга югуриб борди. Дарёда кийими билан таниш немис лейтенанти Билли сузиб келарди. У қирғоққа чиққач. Васяга қўркинчли бир воқеани айтди. Фашистлар Васяни тополмагач Виллига лагердаги барча асирларни отиб ташлашни буюрибди. Билли бегуноҳ кишиларни қурбон қилишдан кўра қочиб кетишни афзал кўрибди.

Вася одамларни қандай қуткаришни ўйлаб қолди...

«Кечаси кириш мумкин» деган табличкали машинани тўхтатиб, кабинага Билли, кузовга Галя билан Василий чиқиб олдилар.

Улар лагерни қўриқлаётган бельгияликларни қуролсизлантириб. ичкари киришди. Улар одамларни қандай қуткариш планини бирга туза бошладилар.

Жан, мен шу ерда туғилиб ўсганман. Мен шахтани жуда яхши биламан. Мен одамларни шахта орқали ўрмонга олиб чиқаман. деди. Барча асирлар лагердан чиқиб француз қаршилик кўрсатиш ҳаракати отрядига қўшилдилар.

Василийни Франциядаги алоқида совет партизанлари отрядига командир қилиб тайинладилар. Бу отряд аъзолари бошқа лагерларга ҳам ҳужум қилиб. кишиларни озод этиб, янги-янги отрядлар. яширин группалар тузадилар ва душманга кўплаб талафот етказиб, ғалаба сатини тезлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Борис КОЛОДНИЙ.

Борий Одилович ОДИЛОВ

Шахсий пенсионер Борий Одилович **Одилов** шу йил 20 мартда ўсатдан вафот этди.

Б. О. Одилов 1908 йилда Тошкент шаҳрида туғилди, меҳнат фаолиятини 1923 йилда бошлади. У 1925 йилдан 1929 йилгача Тошкент шаҳридаги босмахоналарда муқовасоз бўлиб ишлади, сўнгра 1929 йилда у Ўзбекистон печатниклари Союзи Марказий правленнесининг раиси қилиб сайланди. Борий Одилович Одилов 1930 йилдан 1940 йилгача хўжалик ишларида раҳбарлик лавозимларида бўлди. 1941 йилда уни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари этиб партиявий ишга кўтарадилар. У 1941 йилдан 1942 йилгача Ўзбекистон тўқимачилик саноати халқ комиссари, сўнгра Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети Раисининг ўринбосари бўлиб ишлади, айни бир вақтда СССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузурида Ўзбекистоннинг доимий вакили бўлиб турди. Борий Одилович Одилов 1942 йилдан 1944 йилгача Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари, 1945 йилда эса Қашқадарё область ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлади. Сўнгра Борий Одилович Одилов Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги моддий-техника таъминоти бошқармасининг бошлиғи, СССР Министрлар Совети ҳузурида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг доимий вакили, «Ўзпромсовет» правлениесининг раиси бўлиб ишлади. Сўнгги йилларда Борий Одилович Одилов СССР халқ хўжалиги ютуқлари выставкасида Ўзбекистон ССР павильонининг директори бўлиб ишлади.

Борий Одилович Одилов яхши ташкилотчилик фазилатларига эга эди, партия қаерга юборса ҳам у ўша ерда ўзининг бутун куч-билимини Совет Ўзбекистони экономикаси ва маданиятини ривожлантиришдан иборат олижаноб ишга сарф этди, у принципиал коммунист, ўзига нисбатан ва ўз итоатидаги кишиларга нисбатан талабчан эди.

Борий Одилович Одилов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига ҳамда Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутатлигига бир неча марта сайланди.

Борий Одилович Одилов республика халқ хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат белгиси» ордени ва ССР Иттифоқи медаллари билан мукофотланди.

Саботли большевик, ҳормас-толмас меҳнаткаш, ажойиб ўртоқ ва дўст Борий Одилович Одиловнинг порлоқ хотираси қалбимизда ҳамиша сақланади.

И. Г. Анисимкин, Р. Қ. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, Ш. Р. Рашидов, И. И. Федюнинский, Қ. М. Муртазоев, И. М. Нажесткин, А. С. Абдалин, С. О. Азимов Х. Э. Эргашев, И. В. Марцинюк, У. О. Орифов, Ҳ. А. Асомов, В. Й. Зоҳидов, С. З. Зиёмов, Р. М. Қорнев, М. З. Мирзаахмедов, А. М. Муродхўжаев, М. Н. Набиев, К. Р. Раҳимов, В. С. Содиқова, М. Т. Урозбоев, Ю. Ю. Юсупов, К. Н. Яшин.

ШАХСИЙ ПЕНСИОНЕР БОРИЙ ОДИЛОВИЧ ОДИЛОВНИ ДАФН ЭТИШНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ КОМИССИЯДАН

Борий Одилович Одиловнинг жасади солинган тобут Дзержинский номидаги маданият уйига (Ленинград кўчаси, 22-уй) қўйилади.

Б. О. Одилов билан шу йил 23 мартда соат 11 дан 13 гача видолашиш мумкин. Шу йил 23 март соат 14-00 да Чигатой қабристонида марҳумни дафн этиш маросими бўлади.

3-СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

23 МАРТ, 1965 ИИЛ.
№ 68 (13.024).

ПЛАНЕТАМИЗДА

ЖАҲОННИНГ ҲАММА ТОМОНИДАН

ТАССНИНГ ЯКШАНБАЛИК ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ЮЛДУЗЛАР САРИ!

«Восход-2»нинг парвози, деб ёзади Венгриядаги «Непсабадшаг» газетаси, — жуда катта воқеа бўлди. Бу парвоз космосни забт этишда янги давр очди — одамнинг Ойга ва Қуёш системасининг бошқа планеталарига бориб етишига, юлдузлар сирини тадқиқ қилмоқ, топмоқ ва бу сирлардан фойдаланмоқ учун узоқ самовий жисмларга қадам қўйишига йўл очиб берди. Телевизорларнинг экранларида кўрганларимиз инсоннинг юлдузлар сари қўйган биринчи қадами бўлди.

Бу штурмни совет кишилари бошлаб берганликлари билан, мислсиз жасоратларнинг негизи социализм экани билан фахрланамиз, деб таъкидлайди «Непсабадшаг» газетаси.

* * *

Америка космонавти Скотт Карпентер «Восход-2» экипажининг космик парвозига «бу чинакам жасорат бўлди», деб баҳо берди.

«Дейли ньюс» газетасининг обзорчиси Рой Кромлейнинг ёзишига қараганда, Америка олимлари АҚШнинг Совет Иттифоқига ракета космик техникаси соҳасида яқин йиллар ичида етиб олиши мумкин эмас, деб ҳисобламоқдалар. Леоновнинг жасорати, — деб ёзади Вашингтондаги «Стар» газетаси, Совет Иттифоқининг космосдаги позицияси жуда маҳкам ва ҳатто улуғвор эканлигини мутлақо равшан намойиш қилди...».

ЯНА БИР АГРЕССИЯ ҲАРАКАТИ

21 мартда Америка ва Жанубий Вьетнам самолётлари Вьетнам Демократик Республикасининг территориясига ҳужум қилди. Ассошиэйтед пресс агентлигининг хабарида айтилишича, Жанубий Вьетнамнинг 25 самолёти ва Американинг 35 самолёти деморкация линиясининг 25 километр шимолидаги Вукон районини бомбардимон қилди. Шу ҳужум вақтида самолётлар 50 тонна бомба ташладилар.

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИ БИЛАН БИРДАМЛИКНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик ташкилотининг доимий секретариати Вьетнам халқининг АҚШ империализмига қарши нураш бошлаганига 15 йил тўлганлиги муносабати билан баёнот эълон қилди. Баёнотда айтиладики, АҚШнинг ҳарбий кемалари ва самолётлари Вьетнам Демократик Республикасининг шаҳарлари ва қишлоқларини тўхтовсиз ўққа тутаётганлиги ва бомбардимон қилаётганлиги жаҳондаги тинчликсевар ва эрксевар халқларни газаблантирмоқда.

Доимий секретариат бутун дунё халқларини Вьетнам халқи билан ўзларининг бирдамликларини тағин ҳам активроқ намойиш қилмоқ учун кескин равишда биргалиқда ҳаракат қилишга чақирди.

ЯНГИ ЙИЛ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АФҒОНИСТОН!

Афғонистон янги йилни байрам қилмоқда. Бу мамлакатда 21 март Янги йилнинг биринчи куни, баҳорнинг биринчи куни, далага ҳўш чиқариладиган биринчи кун ҳисобланади. Афғонистонда юз минглаб деҳқонлар кўклам ишларини бошлаб юбормоқ учун далаларга чиқдилар.

Афғонистон ҳукуматининг бошлиғи М. Юсуф мамлакатнинг барча гражданларига янги йил мактуби билан мурожаат қилди. У, афғон халқи иқтисодий ривожланиш йўлидан муваффақият билан бормоқда, деди.

Афғонистон, деди бош министр, ташқи сиёсат соҳасида ижобий бетарафлик ва ҳарбий блокларга қўшилмаслик йўлини ўтказиб келмоқда, атом қуроли синовларини тақиқлашни ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни мустаҳкамлаш ишидаги ролини кучайтиришни талаб қилмоқда.

Юсуф Афғонистоннинг ўзининг буюк шимолий қўшниси Совет Иттифоқи билан қилаётган ҳамкорлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

ЮРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Уругвай меҳнаткашларининг касаба союз марказий мамлакат меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларни Белья-Уньон райони деҳқонларининг талабларини қувватлашга, Монтевидеога қилинаётган «иккинчи юриш» қатнашчилари билан бирдам эканликларини айтишга чақирди. Деҳқонлар катта ер эгалигини тугатишни ва ерларни деҳқонларга тақсимлаб беришни талаб қилмоқдалар.

Белья-Уньон шаҳридан февралнинг ўрталарида бошланган юриш давом этмоқда. Бу юришда юзлаб деҳқонлар, шу жумладан 80 бола қатнашмоқда. Юриш қатнашчилари мўлжалланган йўлнинг ярмидан кўпроғини босиб ўтдилар. Полицияларнинг изғогарликларига қарамай, юриш қатнашчилари бўлган деҳқонлар йўл-йўлакай митинглар ўтказмоқдалар, юришнинг мақсадини ва ўзларининг талабларини тушунтириб бормоқдалар.

ДЎСТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

ХАРТУМ, 20 март. (ТАСС). Омдурман халқ театрида Ўзбекистон ССР «Баҳор» халқ рақси давлат ансамблининг якунловчи концерти бўлиб ўтди.

Концертда бош министр Алхалифа бошчилигидаги Судан олий кенгаши ва ҳукуматининг аъзолари ҳозир бўлдилар.

Информация министри Исмоил совет артистларини табриклаб, биз тинч-тотув яшаш ва тинчлик учун кураш даврида яшаб турибмиз, деди. Маданий ютуқлар билан айирбошлашиш — ҳамжиҳатлик ва дўстликни мустаҳкамлашнинг муҳим воситаларидан биридир.

Ўз мамлакатидаги бошқа халқлар билан дўст бўлиб яшаётган ўзбек халқининг муваффақиятлари турли миллатлар дўстлик вазиятида бахт-саодатга ва равнақ топишга эришишлари мумкинлигини кўрсатиб турибди, деди Судан министри.



Сурияннинг шимоли-шарқидаги Қамишли районида совет мутахассисларининг ёрдами билан нефть қидирув ишлари давом этмоқда. Бу ерга СССРдан разведка ишлари учун асбоб-ускуналар келтирилган. Совет мутахассислари суриялик дўстларига ўз касбларини ўргатмоқдалар. Суратда: совет ва суриялик нефтчилар «Румелан-5» қудуғи қазилаётган жойда. Л. Медведко фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

МИЛЛИОНЛАБ МЕҲНАТКАШЛАР ЗАБАСТОВКА ҚИЛМОҚДА

Ўтган ҳафта ичида меҳнаткашларнинг жуда кўп катта-катта забастовкалари бўлиб ўтди. Шу нарса диққатга сазовордирки, бу забастовкалар ишчилар ҳаракати авж олган катта капиталистик давлатлардагина эмас, шу билан бирга, унчалик катта бўлмаган мамлакатларда ҳам ўтказилмоқда. Эрон кўрфазида йилига 2 миллион тоннадан кўпроқ нефть чиқарилаётган Баҳрайн оролларида нефтчилар забастовка эълон қилишди. Бу забастовка Америка нефть монополияларининг ўзбошимчалигига қарши норозилик билдириш учун бошланди. Бу монополияларнинг маъмурияти ўзларига ёқмаган араб ишчиларни ишдан ҳайдамоқдалар. Полиция забастовкачиларга ҳужум қилди. Ҳужум вақтида ишчилардан тўрт киши ўлдирилди ва 27 киши жароҳатланди. Ўнлаб ишчилар қамоққа олинди. Лекин бу нарса забастовкачиларнинг иродасини бука олмади. Ливан ва Ироқ олий ўқув юртларида ўқиётган бахрайнлик студентлар уларга бирдамлик изҳор қилиб, кураш бошладилар.

Суданда тўрт мингга яқин ишчи иш ҳақини оширишни талаб қилиб, забастовка эълон қилди. Забастовкачилар порт территориясини эгаллаб олдилар. Шундан сўнг, полиция уларни ўққа тутди. Натижада 3 киши ўлдирилди ва 30 га яқин киши яраланди. Судан касаба союзлари федерацияси мамлакат бош министрига мактуб юбориб, полициячиларнинг забастовкачилардан ўч олаётганлигига қарши қатъий норозилик билдирди ва бунинг учун айбли бўлганларни жазолашни талаб қилди.

Уругвай пойтахти Монтевидеода транспорт ходимларининг ялпи забастовкаси бир неча кун давом этди. Уругвайнинг бошқа бир қанча шаҳарларидаги транспорт ходимлари ҳам забастовкачиларнинг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талабларини қувватлаб чиқдилар.

Латин Америкасининг яна бир мамлакатида — Боливияда шаҳар мактабларининг ўқитувчилари иш ҳақини ошириш тўғрисидаги ўз талабларини қувватлаб, забастовка ўтказдилар. Исроилда давлат муассасаларининг шоферлари иш ташлади. Бу иш ташлаш натижасида почталарни элтиб қўйиш тўхтаб қолди. Австриядаги Линц ва Вельс шаҳарларида почта хизматчилари забастовка эълон қилдилар. Бельгиянинг бир қанча районларидаги кўмир конларининг шахтёрлари ҳукуматнинг шахталарни ёпиб қўйиш тўғрисидаги қарорига қарши норозилик билдирди, иш ташладилар. Бельгиядаги «Сольвей» кампаниясининг Намюр вилоятидаги химия заводларида ишлаб турган ишчиларнинг забастовкаси бир неча кун давом қилди. Улар иш ҳақини оширишни ва меҳнат шароитини яхшилашни талаб қилдилар.

Ўтган ҳафта ичида Англияда забастовка ҳаракати кенг олиб кетди. Лондон метроси станцияларининг кўпчилигидаги контролёрлар, автобусларнинг шоферлари ва кондукторлари, «Бритиш юнайтед эйруэйс» авиация компаниясининг механиклари. Лондон яқинидаги автомобиль заводларининг ишчилари ва бошқа кўпгина касбдаги меҳнаткашлар иш ташладилар.

Япония меҳнаткашлари ўтказаётган бирлик ҳаракатларининг 17 мартда иккинчи тўлқини бошланди. Шу кун мамлакатда 2 миллиондан кўпроқ ишчи ва хизматчи иш ташлади. Почта ва телеграф министри Токуясу алоқа ходимлари умумяпон касаба союзи раҳбарларини, агар сизлар забастовка қурашида қатнашсангиз, бунга қарши «қаттиқ жазо чоралари» кўрилади, деб огоҳлантирди. Бироқ, ўз сафида 240 минг кишини бирлаштирган алоқа ходимлари касаба союзи 17 мартда бошқа меҳнаткашлар билан бирга забастовка курашида қатнашди.

Забастовка қураши давомида меҳнаткашларнинг жипслиги мустаҳкамланмоқда, ҳаракат бирлиги тобланмоқда. Испаниядаги Ньерес шаҳрида (Астурия) шахтёрлар ўзларига ваъда қилинган нафақаларни тўлашдан ҳукумат бош тортганлигига қарши норозилик намойиши ўтказдилар. Намойишчилар «озодлик», «пролетарлар, бирлашингиз!» деган шиорларни қайта-қайта такрорладилар. Ишчиларни ҳайдаш учун ёпирилиб келган полициячилар кончиларнинг намойишига халақит бера олмадилар. Франциядаги Юньон Франсэн Д'е Энформасьон агентлигининг хабарида айтилишича, Астурияда 1939 йилдан бери шу қадар катта намойиш бўлмаган эди.

В. ХАРЬКОВ.
ТАСС обзорчиси.

ҚЎШМА ШТАТЛАР ВЬЕТНАМДА ХИМИЯВИЙ УРУШНИ БОШЛАБ ЮБОРДИЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 22 март. (ТАСС). Америка ва Жанубий Вьетнам қўшинлари партизанларга қарши курашда заҳарли газлардан фойдаланмоқдалар. Ассошиэйтед пресс агентлигининг мухбири Сайгондан ана шуни хабар қилди. Мухбир Америка вертолётлари ва қирувчи-бомбардимончи самолётлари партизанлар ҳаракат қилаётган районларга жанговар заҳарловчи моддалар сочадиган махсус установкалар билан таъминланганлигини кўрсатиб ўтади.

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

● *Япония меҳнаткаш хотин-қизларининг X миллий конференциясида қатнашмоқ учун Япония касаба союзлари бош кенгашининг таклифига мувофиқ, касаба союзларининг совет хотин-қизларидан иборат делегацияси Токиога келди. Меҳнатчилар касаба союзлари бош кенгаши ва тармоқ касаба союз бирлашмалари хотин-қизлар бўлимларининг иши билан танишадилар, шунингдек мамлакат бўйлаб сафар қиладилар.*

● *Мадорасда (Жанубий Ҳиндистон) Совет фильмлари ҳафталиги «Уч плюс икки» кинокомедиясини кўрсатиш билан бошланди. Мадорасдик томошабинлар совет бадиий кинофильмларидан яна бештасини ва бир неча ҳужжатли фильмларни томоша қила оладилар.*

● *21 мартдан бошлаб Англия расмий суратда «Ёз вақтига» ўтди. Соат стрелкалари бир соат олдинга сурилиб қўйилди. Энди Лондон вақти Москва вақтидан икки соат фарқ қилади.*

● *Лионда 47-Халқаро савдо-саноат ярмаркаси очилди, ярмаркада 4 мингга яқин француз ва чет эл фирмалари қатнашмоқда. Ярмарка қатнашчилари орасида Совет Иттифоқи, Чехословакия, Хитой Халқ Республикаси, Польша, Англия, Германия Федератив Республикаси, Италия, Испания, Голландия ва бошқа мамлакатлар бор.*

● *Совет пароходи «Николай Пирогов» Совет Иттифоқининг ёрдами билан Сомали Республикасида қурилаётган иншоотлар учун тегишли юкларни ортиб, Могадишога келди.*

● *Бу йил Австралияда рекорд буғдой ҳосили йиғиштириб олинди. Буғдой ҳосили 380 миллион бушелни (бир бушель 27,5 килограммга баравар) ташкил этади. (ТАСС).*

ССССРДА УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО УЧРАШУВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Уруш ветеранларининг совет комитети маълумлаган, қаршилик кўрсатиш курашчиларининг, фашизм қурбонлари ва тутқунларининг халқаро федерацияси, шунингдек бир қанча мамлакатлардаги уруш ветеранлари ва қаршилик кўрсатиш курашчилари миллий ташкилотлари маъқуллаган ташаббусга кўра, Москвада 1965 йил май ойининг биринчи ярмида уруш ветеранларининг фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг йигирма йиллигига бағишланган халқаро учрашуви ўтказилади.

Учрашув қатнашчилари — гитлерчилар Германиясига қарши олиб борилган уруш ветеранлари, собиқ фронтчиларнинг, қаршилик кўрсатиш курашчиларининг, фашизм қурбонлари ва тутқунларининг чет эллардаги халқаро ва миллий ташкилотлари вакиллари фашизм устидан қозонилган ғалабанинг йигирма йиллигини Совет Иттифоқидаги уруш ветеранлари билан бирга нишонлайдилар. Тарихий жанглар бўлган жойларни — Ленинград ва Волгоградни бориб кўрадилар, тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун курашда уруш ветеранларининг иштирок қилиш масалалари юзасидан бир-бирлари билан фикрлашиб олиш имкониятига эга бўладилар.

Уруш ветеранлари совет комитетининг бу халқаро учрашувни ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини совет жамоатчилиги кенг суратда қувватлади.

Уруш ветеранлари совет комитети президиумининг 18 мартда ВЦСПС, Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар совет жамиятлари союзи, СССР ёшлар ташкилотлари комитети ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказилган қўшма мажлисида СССРда ветеранларнинг халқаро учрашувини ўтказишга кўмаклашувчи совет комитети тузилди.

Бу комитет составига уруш қаҳрамонлари ва ветеранлари, таниқли саркардалар, партизанлар, фашизм тутқунлари, шунингдек кўзга кўринган жамоат арбоблари: Б. Д. Бобоев, Қосимали Бостеров, А. Ф. Везиров, А. Е. Голованов, А. Н. Гервасиев, Б. Б. Городовиков, В. Н. Жанжгава, Е. И. Демина, П. И. Ефимов, И. С. Исаков, Е. В. Иванов, И. С. Конев, И. М. Королев, Х. И. Кенжаев, А. Г. Карапетян, А. П. Маресьев, Н. Н. Месяцев, Н. И. Мацияускас, П. М. Машеров, С. Нурмаганбетов, М. М. Пронин, В. Ф. Промислов, А. А. Пуста, П. Т. Пименов, П. Режепов, С. К. Романовский, Е. В. Рябова, П. Н. Решетов, В. П. Самсон, Ф. Ф. Сопрунов, С. К. Тимошенко, И. В.Тюленев, Г. В. Троицкий, Н. С. Тихонов, А. Ф. Федоров, А. Д. Цирлин, С. С. Шатилов аъзо бўлиб кирдилар.

Қўмаклашувчи комитет раислигига Совет Иттифоқи маршали С. К. Тимошенко, масъул секретарликка — генерал-лейтенант М. М. Яронин сайландилар. (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Гамбия икки юз йил давомида Англия, Франция ва Португалиянинг колониал режими асоратида қолиб келди. Африкадаги бу давлат шу йилнинг февралида ўз мустақиллигига эришди. Ҳозир мамлакат халқи эркин тараққиёт йўлидан бормоқда. Суратда: мамлакатнинг пойтахти Батересгедаги қонун чиқарувчи кенгаш (парламент) биноси.

ТАСС фотохроникаси.

СОВЕТ КИШИСИНИНГ ФАЗИЛАТИ

ҲАЁТ БАҒИШЛАГАН ШИФОКОР

Бунинг муболағаси йўқ. Собир Саъдуллаев худди шундай киши. У бизнинг оиламиз учун, аниқроғи бир ярим яшар қизалоғимизнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳеч унутилмайдиган иш қилди.

Воқеа бундай бўлди: мен ишдан жуда кеч қайтдим. Шу пайт кўзимизнинг оқ-қораси бўлган бирдан-бир фарзандимиз устида оғир ҳалокат ўтирибди. Қизнинг ҳарорати жуда баланд. Тун алла маҳал бўлиб қолган. «Тез ёрдам» чақириш учун яқин атрофда телефон йўқ. Ҳаёлимга қўшни маҳалладаги яшайдиган врач Собир Саъдуллаев келиб қолди. Унинг уйига югурдим. Хайрият, уйда экан.

Врач воқеани эшитди-да, уйидаги меҳмонларига узр айтиб, дарҳол мен билан етиб келди. Беморнинг оғир аҳволини енгиллатмагунча ёнидан қўзғалмади. Натижада гўдакнинг ҳаётини шифокор Собир Саъдуллаев сақлаб қолди.

Хива шаҳрида яшовчи хушмуомала, ўз касбини чуқур севган врач Собир Саъдуллаевдан бутун оиламиз билан абадий миннатдормиз.

Ога РАҲИМБЕКОВ.

РЕКЛАМА • ЭЪЛОНЛАР • РЕКЛАМА • ЭЪЛОНЛАР

Радио

23 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Ўзбек халқ куйлари. 9.25 — Симфоник рақслар. 9.50 — «Қурилиш материалларини кўплаб тайёрлайлик» (тож.). 10.10 — Камер чолғу куйлари. 10.30 — Концерт. 11.10 — Рус тилида эшиттириш. 11.25 — Концерт. 13.30 — Қўшиқлар (рус.). 16.15 — А. И. Хачатурян (музикали эшиттириш). 19.20 — Қорақалпоқ куйлари. 20.00 —Завод студентлари (рус.). 20.10— Концерт (рус.). 20.45 — Жанговар атеизм. 22.10 — Куйлардан-куйларга. 22.30 — Лирика кечаси (рус.). 23.10 — Мақомлардан парчалар.

Телевидение

23 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 **Экран—болаларга**, 18.40 — **Инглиз тили** (болалар учун), 18.45 — **Электротехника заводидан репортаж** (саноат ходимлари учун), 19.05 — **Реклама ва эълонлар**, 19.10 — **Муросасизлар** (бадиий фильм).

20.30 — **Эшиттиришлар программаси**.

Ўзбек тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.50 — **Дугонажлар таронаси** (адабий эшиттириш), 21.10 — **Олтин тўй** (ҳужжатли фильм), 22.00 — **Хотин-қизлар учун**, 22.20 — **Концерт**.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.50 — Ўзбекистон комсомолининг 40 йиллиги олдидан. **Шонли авлод** (болалар учун), 20.25 — **Тошкент янгиликлари**.

Рус тилида: 20.35 — **Она.Ватан садолари** (ҳужжатли фильм), 21.15 — **Тошкент янгиликлари**, 21.25 — А. Островский. **Урмон**.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/III да **Фауст**, 24/III да кундуз **Семург**, кечқурун **Чио-Чио Сан**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—23/III да **Алишер Навоий**, 24/III да **Қонли сароб**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/III да **Уғил уйлантириш**.

Кино

Қора кўзойнак — СОБИР РАҲИМОВ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (2-зала), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ЮЛДУЗ» (кеч соат 9 да).

Бегона (1 ва 2-серия) — НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 3-15 минут, кеч 6 ва 8-45 минутда).

Можаро — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5, кеч 7, 9 ва 10 яримда).

Мен—Куба (1 ва 2-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «ЮЛДУЗ» (кеч соат 6 да).

Тирикларга мактуб — «ДРУЖБА» (1-зала), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Суратдаги одам — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Австралиялик хотин излайди — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Аёзбобо — «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10, 11-45 минут ва кундуз 1 яримда).

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

24 март кеч соат 7 яримда коммунистик меҳнат бригадалари учун 9-абонемент бўйича:

«СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ АШУЛА, МУЗИКА ВА РАҚСЛАРИ»

деган темада

концерт-лекция

Лектор — музикашунос **Н. Акбаров**.

Концертда: Ўзбек давлат филармониясининг хор капелласи ва торли квартети, Ўзбекистон ССР халқ артисти **Ғулом Абдураҳмонов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Қундуз Миркаримова**, солистлардан **Сора Шукурова, Холисхон Қодирова, Зоя Газиева, Валерий Газиев, Гали Искалиев, Раҳим Бунигарлар** қатнашади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

23, 24, 25, 26 мартда

Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлиги ва иштирокида

ХОРАЗМ АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Концертларда: Бутуниттифоқ ёшлар ва студентлар фестивали лауреати **Отажон Раҳабов**, солистлардан **Олмахон Ҳайитова, Гулчеҳра Исмонлова, Шариф Султонов, Жуманиёз Собиров, Отаназар Абдалниёзов, Раъно Жуманиёзова, Ражаб Исмонлов, Отабой Ҳасанов**, Ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг

ПРОФТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИГА

ревизор бухгалтерлар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Заводская кўчаси, 34-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

30 МАРТДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

Ҳамза номли театр биносида, эрталаб соат 10 да

3% ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЕМИНИНГ 104-АСОСИЙ ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ

БЎЛАДИ.

Бу тиражда заёмнинг ўн саккиз разрядига 8.370.360 сўмлик 153000 ютуқ ўйналади.

3%ли Давлат ички ютуқ заёми облигацияларини омонат кассаларда сотилади ва сотиб олинади.

Тиражга ҳамма кириши мумкин.

«УЗЭНЕРГОСБИТ»

ЭЛЕКТРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРДАН СУРАЙДИКИ,

уй, ҳовли, кўча, магазин ва муассасаларнинг

ташқи электр чироқларини,

шунингдек биноларнинг ичидаги электр чироқларини кун ёриши биланоқ

ЎЧИРСИНЛАР.

Ташқи электр чироқларини кундуз ёқиш ҳоллари кўрилса, электр оғоҳ қилмасдан узиб қўйилажак.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545, Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 31226. Пропаганда — 27221. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши—33258. Қишлоқ хўжалиги—27604. Адабиёт ва санъат—32036, 31226. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347, Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 01760. ИНДЕКС 64543 № В. 68.